КОММУНИЗМ ЙЎЛИДАН

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 233 (2266).

23 НОЯБРЬ ЖУМА 1962 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

☆ ☆ ☆ ☆

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Илгари хабар қилинганидек 21 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «СССР экономикасини ривожлантириш ва халқ хўжалигига партия раҳбарлиги» ҳақидаги докладининг муҳокамаси давом этди.

Кечқурунги мажлисда қуйидаги ўртоқлар сўзга чиқдилар: Ж. РАСУЛОВ (Тожикистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Г. П. ПЛОТНИКОВ (Ростов областидаги «Пролетарская диктатура» совхозининг механизатор—чўчқабоқари), Я. Н. ЗАРОБЯН (Арманистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Л. Н. ЕФРЕМОВ (КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари), М. В. КЕЛДИШ (СССР Фанлар академиясининг президенти), В. И. КЛАУСОН (Эстония ССР Министрлар Советининг раиси).

* * *

1962 йил 22 ноябрдаги эрталабки мажлисда қуйидаги ўртоқлар сўзга чиқдилар: И. Т. НОВИКОВ (СССР энергетика ва электрлаштириш министри), З. Н. НУРИЕВ (КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари), А. В. ГИТАЛОВ (Украина ССР, Кировоград областидаги КПСС XX съезди номли колхоз трактор бригадасининг бошлиғи), Ф. С. ГОРЯЧЕВ (КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари), М. А. ЛАВРЕНТЬЕВ (СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар Академияси Сибирь бўлимининг раиси), В. С. ФЕДОРОВ (СССР Министрлар Советининг химия бўйича давлат комитети раиси), Б. ОВЕЗОВ (Туркманистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Л. Е. ГРАФОВ (Кемерово халқ хўжалиги кенгашининг раиси), Т. УСУБАЛИЕВ (Қирғизистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), С. П. ПАВЛОВ (ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари).

Кечки мажлисда қуйидаги ўртоқлар сўзга чиқдилар: В. В. СКРЯБИН (КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари), Н. В. МЕЛЬНИКОВ (СССР Министрлар Советининг ёқилғи саноати бўйича давлат комитети раиси), А. Я. ПЕЛЬШЕ (Латвия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Н. И. БЕЛАШ (Гутовский совхозининг чўчқабоқари, Новосибирск области), А. Ю. СНЕЧКУС (Литва КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), В. Е. БОЙКО (СССР Министрлар Советининг қора ва рангли металлургия бўйича давлат комитети раиси).

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

ХОРАЗМ ОБЛАСТИНИНГ КОЛХОЗЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамнуният билан қайд қиладиларки, Хоразм областининг қишлоқ хўжалик ходимлари, барча меҳнаткашлари пахта учун курашда ғоят катта муваффақиятга эришдилар, пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари — 21 ноябрда бажардилар. Давлатга 270 минг тонна пахта сотилди, шундан 85 процент пахта биринчи сортга қабул қилинди. Область механизаторлари 25 минг тонна пахтани машинада терди-лар.

Хоразм области мўл ҳосил учун курашда барча пахтакорларга намуна кўрсатмоқда. Ҳозирда гектаридан 27 центнердан пахта олинди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қабул қилинган мажбуриятни бажариш — ҳар гектар ердан 29—30 центнердан пахта териб олиш учун муваффақиятли кураш олиб бормоқдалар.

Сизларнинг муваффақиятларингиз, азиз ўртоқлар, биргина Ўзбекистон пахтакорларини хурсанд қилиб қолмайди. Бу муваффақиятлар қардош пахтакор республикаларнинг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, барча совет кишиларини ҳам хурсанд қилади. Пахта етиштирувчи кўпгина районлар учун бу йил нақулай келди. Бошқа илғор пахтакорларнинг тажрибаси сингари сизларнинг тажрибангиз ҳам юз берган қийинчиликларни бартараф этиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планининг бажарилишини таъминлаш мумкинлигини кўрсатди. Партия ва ҳукумат Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари олдига қўйган янги, катта вазифаларни ҳал этишда Хоразм области бундан буён ҳам республика пахтакорларига намуна бўлиш учун ҳамма шароитга эгадир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС Марказий Комитетига СССР Министрлар Советига Ўртоқ Никита Сергеевич ХРУШЧЕВГА

Ўзбекистон ССР Хоразм областининг меҳнаткашлари партия XXII съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари, 21 ноябрда бажардилар.

Давлатга 270 минг тонна пахта сотилди, топширилган ҳамма пахтанинг 85 процента биринчи сортга қабул қилинди. 25 минг тоннадан кўпроқ ҳосил пахта териш машиналари билан териб олинди. Тайёрланган пахтанинг ярмидан кўпроғи қоп-қанорсиз ташилди.

Қадрдон Никита Сергеевич, ўтган йилги Тошкент зона кенгашида 1962 йилда 29-30 центнердан ҳосил етиштирамиз, деб Сизга берган сўзимиз бажарилади. Область бўйича ҳар гектар экин майдонидан ўрта ҳисобда ҳозирдаёқ 27 центнердан пахта олинди. 20 колхоз гектаридан 30 центнер ва ундан ошириб пахта йиғиб олди, Янгиариқ районидаги Киров номли, Нариманов номли, Қўшқўпир районидаги Охунбобоев номли, Шовот районидаги Киров номли колхозлар 35-38 центнердан пахта олдилар. Янгиариқ, Хонқа, Ҳазорасп ва Шовот районлари пахта тайёрлаш планини ошириб бажардилар.

Ҳозир область пахтакорлари етиштирилган бутун ҳосилни тезроқ йиғиб олиш, социалистик мажбуриятни бажариш—давлатга камида 290-300 минг тонна пахта сотиш учун астойдил курашмоқдалар.

Пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги муваффақиятлар партиянинг, унинг ленинчи Марказий Комитетининг, ССР Иттифоқи ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини ва шу жумладан пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилишларининг, колхозчилар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, шаҳарлар ва район марказларидаги меҳнаткашлар фидокорона меҳнатининг, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва ишлаб чиқариш бошқармасининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларни қучайтирганликларининг натижасидир.

Бу эса, шу йилги катта қийинчиликларни бартараф этиш имконини берди, бу йилги қийинчиликлар ниҳоятда ноқулай об-ҳаво шароити—дўл аралаш каттиқ ёғингарчилик, бўронлар бўлганлиги оқибатида катта майдонларда чигитни қайта экишга тўғри келганлиги, шунингдек кўп йиллар давомида мисли кўрилмаган даражада сувнинг камчил бўлганлиги натижасида келиб чиқди.

Область шунингдек давлатга пилла сотиш планини 101 процент, гўшт сотиш планини 100 процент, қоракўл тери сотиш планини 104 процент, жун сотиш планини 103 процент, тухум сотиш планини 108 процент, шоли сотиш планини 110 процент, сабзавот сотиш планини 101 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 131 процент, мева сотиш планини 116 процент қилиб бажарди. Давлатга сут сотиш йиллик плани яқинда бажарилади.

Ўтган йилдагига қараганда анча кўп ем-хашак тайёрланди, бу эса чорва молларнинг яхши қишловини таъминлаш имконини беради.

Колхозларда кузги-қишки ишлар тобора кенг авж олдирилмоқда, келгуси йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин тайёрланмоқда.

Хоразм областининг меҳнаткашлари КПСС ленинчи Марказий Комитетини ва ССР Иттифоқи ҳукуматини ишонтириб айтадиларки, улар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари билан қуроллаиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун бундан буён ҳам қатъият билан ва ҳормай толмай кураш олиб борадилар, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдан иборат улуғ ишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Ўзбекистон КП Хоразм область комитетининг секретари, Ф. ШАМСИДДИНОВ.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети Ижроия комитетининг раиси, Н. МУРОДОВ.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи, О. ОРАТОВСКИЙ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми Катта Кремль саройида уч кундан бери ўз ишини давом эттирмоқда. Пленум қатнашчилари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «СССР экономикасини ривожлантириш ва халқ хўжалигига партия раҳбарлиги» ҳақидаги докладини муҳокама қилмоқдалар.

21 ноябрда Пленумнинг эрталабки мажлиси Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети раиси **В. В. Гришиннинг** нутқи билан бошланди.

Партия органларини ишлаб чиқариш принципида қайта қуриш, дейди ВЦСПС раиси ўртоқ **В. В. Гришин**, техника сиёсатига раҳбарликни марказлаштириш, иқтисодий қурилишни бошқаришни такомиллаштириш, планлаштиришни яхшилаш, партия-давлат контролининг ленинча принципларини тиклаш — мана шуларнинг ҳаммаси шундай муҳим тадбирлардирки, бу тадбирларнинг амалга оширилиши халқ хўжалигига раҳбарлик даражасини кўтаришга, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тағин ҳам тез суръатлар билан ўстиришга имкон беради.

Саноатни, қурилишни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги, корхоналар ва қурилишлар ишидаги камчиликлар ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида танқид қилинди. Бу камчиликлар касаба союзлари ҳам мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш планларини бажариш учун курашда ўзларининг кучлари ва имкониятларидан яхшироқ ва тўлароқ фойдаланишлари лозимлигини кўрсатиб турибди. Бу имкониятлар ҳақиқатан ҳам катта. Саноатда, қурилишда ва транспортда 40 миллион ишчи ва хизматчини бирлаштирган 120 минг касаба союз ташкилоти бор. Қишлоқ хўжалигида 10 миллиондан кўпроқ меҳнаткашни бирлаштирган 33 минг касаба союз ташкилоти бор.

Ўртоқ Гришин уқтириб айтдики, партия Сталин шахсига сиғиниш оқибатларини тугатиб, янги, прогрессив ташаббусларнинг ҳамма-сига қаршилик қилган антипартиявий группани тор-мор келтириб, омманинг активлигини кенг ривожлантириш, мамлакат ҳаётида жамоат ташкилотларининг ролини ошириш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтирди. Партия хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма вазифаларини ҳал қилишда касаба союзларининг ролини оширди. Касаба союзлари партиянинг ёрдамига таяниб, меҳнаткашлари ва ишчилар планни муддатидан олдин бажаришга, ишлаб чиқариш резервларини топиш ва бу резервлардан фойдаланишга сафарбар қилиш йўлида катта иш қилдилар.

Шу билан бирга, деди ўртоқ Гришин, кўпгина касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқариш экономикаси ва техникаси масалаларини ҳали ҳам чуқур ўрганмаётирлар, меҳнаткашлар орасида ташкилотчилик ва тарбия ишларини яхшилаш тўғрисида лозим бўлган даражада ғамхўрлик қилмаётирлар. Вазифа шундан иборатки, касаба союзларининг иш даражасини янада юқори кўтариш, уларнинг ишлаб чиқаришга таъсирини қучайтириш керак. Касаба союзларини ташкилий жиҳатдан қайта қуриш бу вазифани ҳал этишга ёрдам бериши лозим. Биз саноатга, қурилишга ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта қуриш билан боғлаб, касаба союзларини ҳам ташкилий жиҳатдан қайта қуриш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Касаба союзларининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тағин ҳам конкретроқ таъсир ўтказишини таъминлаш мақсадида, дейди ўртоқ, областлар ва ўлкаларда касаба союзларининг иккита совети бўлиши ва тармоқ касаба союзларининг ҳам шу каби комитетлари бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Советлар ва комитетларнинг бири саноатда, қурилишда ва шаҳар хўжалигида ишлаб турган касаба союз аъзоларини бирлаштиради, иккинчиси қишлоқ хўжалигида ҳамда қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатувчи муассасаларда ишлаб турган касаба союз аъзоларини бирлаштиради: Касаба союзларининг республика советларида саноатдаги касаба союз ташкилотларига раҳбарлик бюроси ва қишлоқлардаги касаба союз ташкилотларига раҳбарлик бюроси тузмоқчимиз.

Ўртоқ Гришин ўзининг нутқида меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга тортиш ишига катта аҳамият берди. Корхоналарда ишлаб чиқариш комитетлари тузиш, меҳнаткашларни партия-давлат контроли органларининг ишига кенг равишда тортиш сингари чоралар, дейди ўртоқ Гришин, ишчилар ва хизматчиларнинг бошқарув ишида актив қатнашишларини таъминлайди. Шу билан бирга қаторда, касаба союзларининг оммани ишлаб чиқаришни бошқаришга тортиш йўлидаги ишларини такомиллаштириш керак. Доимий ишловчи ишлаб чиқариш кенгашлари 64 минг корхона ва қурилишда ва 52 минг йирик цехларда тузилган. Буларнинг составига беш миллионга яқин киши сайланган. Ҳар йил улар меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга қаратилган икки миллионга яқин таклиф ва таклифларни қабул қилмоқдалар.

Контролни кучайтириш мақсадида ҳам, дейди ўртоқ Гришин, касаба союзларининг кучидан яхшироқ фойдаланиш лозим. Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш планларининг бажарилишини, уй-жойларнинг тақсимланишини, савдо ва умумий овқатланиш қоидаларига риоя қилинишини ишчилар томонидан оммавий контрол қилиш ишида ҳозирги вақтда касаба союз активларидан 6 миллионга яқин киши қатнашмоқда.

Нотиқ меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларига тўхталиб айтдики, етти йилликнинг уч йили мобайнида меҳнат унумдорлиги саноатда 18,2 процент, қурилишда 22,5 процент ва транспортда 20 процент ошди. Шу билан бирга, қисқартирилган иш кунига ўтилганлиги муносабати билан ҳар соатдаги меҳнат унумдорлиги саноатда 33,6 процент ва қурилишда 38 процент ошди.

Шу ютуқларга қарамай, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларини бажармаётган корхоналар ва қурилишлар ҳали ҳам оз эмас. Партия бизга шуни кўрсатиб турибдики, деди ўртоқ Гришин, янги техникани планли равишда жорий қилиш асосида меҳнат унумдорлиги тағин ҳам тез суръатлар билан оширилиши лозим. Лекин янги техникани жорий қилиш планларининг бажарилишини етарли равишда контрол қилмаётирмиз. Натижада бу планлар йил сайин 50—60 процент чамасида бажарилмоқда. Саноатда ва қурилишда ишчиларнинг деярлик ярмиси шу вақтгача қўл меҳнати билан қилинадиган ишларда банд бўлиб турибди. Кўмакчи ишларни ва айниқса юк ортиш ва юк тушириш ишларини механизациялаш даражаси ҳали ҳам паст.

Партия органларини қайта қуриш, техника сиёсатига раҳбарликни марказлаштириш, деб давом қилди нотиқ, бу масалалар билан тағин ҳам пухтароқ шуғулланишга имкон беради, янги техникани жорий қилиш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини тағин ҳам тезроқ ўстириш ишига эътиборни кучайтиришга имкон беради. Меҳнат унумдорлигини систематик равишда ошириш учун техникавий нормалашни яхшилашнинг катта аҳамияти бор.

Ўртоқ Гришин социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш зарурлигини айтиб ўтди. Нотиқ дедики, ҳозирги вақтда ишчилар ва хизматчиларнинг қарийб 85 проценти социалистик мусобақада қатнашмоқда. Ҳозирги замоннинг ажойиб ҳаракати—коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларининг мусобақаси тобора кенг қулоч ёймоқда. Бироқ, кўп корхоналарда мусобақа якунлари тузук оммалаштирилмаётир, энг муҳими — қолоқ коллективларга ва ишчиларга ёрдам кўрсатиш кўп жойларда ташкил этилмаган.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

(Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари)

Ўртоқлар! Партиянинг тарихий XXII съездидан кейин бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Шу давр ичида совет халқи янги буюк зафарларни қўлга киритди. Кудратли социалистик Ватанимиз КПСС Программаси чизиб берган нурли йўлдан кишилик бахт-саодатининг чўққилари сари шаҳдам одимлар билан бормоқда.

Марказий Комитетнинг ушбу Пленуми партия ва халқнинг ҳаётида, коммунизм тантанаси учун қаҳрамонона кураш йилномасида жуда катта ўрин эгаллайди. КПСС Марказий Комитети, унинг ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ Президиуми марксча-ленинча фанга таяниб, халқ билан доимо маслаҳатлашиб, коммунистик қурилишнинг етилган масалаларини ленинча теранлик билан ўртага қўйётганлиги ва ҳал қилаётганлигини бу Пленум қайта-қайта исботлаб турибди.

Улуғ Ленин социалистик, коммунистик қурилишда илгари ҳеч ким юрмаган йўллардан боришга тўғри келади ҳамда қурилишнинг турли босқичларида халқ хўжалигини бошқаришнинг янги, ихчам формаларини қидириб топишимиз лозим, деб уқтирган эди. Саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини тағин ҳам тубдан яхшиловчи тадбирлар ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида Ленининг ана шу кўрсатмаларига батамом мос равишда белгилаб берилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклади ўзининг теранлиги ҳамда партия қурилиши масалаларини, коммунистик жамиятни қуришнинг энг муҳим проблемаларини ишлаб чиқишдаги революцион шижоати билан ижодий марксизм-ленинизмнинг намунасидир, илмий коммунизм назариясини ривожлантиришга қўшилган янги ажойиб ҳиссадир.

Халқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта қуриш соҳасида партия органларини юқоридан пастгача тузишда ишлаб чиқариш принципини асос қилиб олишни кўзда тутиб, КПСС Марказий Комитетининг Президиуми ишлаб чиққан ва ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида баён қилинган тадбирларни қизғин маъқуллаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ушбу Пленумга ҳозирлик кўриб, партия органларининг янги структураси тўғрисидаги масалани синчиклаб қараб чиқди ва кенг муҳокама қилди. Қишлоқ район партия комитетлари ўрнига олтмишта йириклашган ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармасининг ҳар бирида партия комитети тузиш зарур, деб топилди. Қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноати ҳам ривож топган Тошкент, Фарғона, Андижон ва Самарқанд областларида иккитадан область партия комитети ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Шулардан бири саноат ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилса, иккинчиси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилади. Ана шу областларда меҳнаткашлар депутатларининг иккитадан мустақил Советларини ва уларнинг ижроия комитетларини ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги бўйича ва саноат бўйича иккита бюросини тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, бу бюролар Марказий Комитет Президиумининг раҳбарлиги остида ишлайдиган бўлади. Буларнинг ҳаммаси, шак-шубҳасиз, республиканинг ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига конкретроқ раҳбарлик қилишни таъминлайди.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюросини, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашини, «Средазстрой»ни, Ўрта Осиё пахтачилик бошқармаси ҳамда ирригация ва совхозлар қурилиши Бош бошқармасини тузиш тўғрисида докладда илгари сурилган таклифлар қардош халқларимизнинг бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлаш учун, Ўрта Осиё республикаларининг, шунингдек умуман бутун мамлакатнинг экономикаси ва маданиятини янада яшнатиш учун жуда катта аҳамиятга эга. Бу — ҳақиқатан ҳам етилган масалалар бўлиб, КПСС янги Программасининг «... коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш совет республикаларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро ёрдамини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашни талаб қилади» деган қоидасидан келиб чиқади. Совет Ўзбекистонининг партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари Ўрта Осиё органларини тузиш тўғрисидаги ажойиб таклифни чин кўнгилдан қўллаб-қувватлайдилар.

Халқ орасида «Одамларнинг дўстлиги тоғ-тоғ хазиналар яратади» деган гап бор. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида халқларимизнинг дўст ойласи битмас-туганмас бойликлар яратди. Ўрта Осиёдаги қардош республикаларнинг давлат, хўжалик ва маданий қурилишлари қуч-ғайратларини тағин ҳам яхшироқ координациялашга имкон берувчи янги бошқариш органлари ташкил этилгач, энди биз ҳазиналардан тағин ҳам улканроқ тоғ яратамиз ҳамда Ўрта Осиёдаги жуда бой ресурсларнинг ҳаммасини совет халқига хизмат қилдиришни тезлаштирамиз.

Ўртоқлар! КПСС ленинчи Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи ҳукуматининг бошқа иттифоқчи республикалар қатори Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга доимо эътибор бериб, оталарча ғамхўрлик қилиб келаётганликлари республикамиз меҳнаткашларини илҳомлантирмоқда ва руҳлантирмоқда. Н. С. Хрушчев партия XXII съездидан кейин ўтган бир йилнинг ўзида Ўзбекистонга икки марта борганлиги ана шу ғамхўрликнинг, ана шу меҳрибонликнинг ёрқин далили бўла олади. Никита Сергеевич механизаторлар ва олимлар, Олмалиқ ишчилари ва Мирзачўл қаҳрамонлари билан суҳбатлашиб, бизга кўпгина яхши маслаҳатлар берди, камчиликларимиз ва нуқсонларимиз учун бизни кескин бўлса ҳам адолатли танқид қилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев билан учрашганликлари ва суҳбатлашганликлари кадрларимизга яхши мактаб ва чинакам университет бўлди.

Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, интеллигенцияси партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан меҳнатда янги зафарларга эришиш ҳақидаги ягона фикр, ягона муддао билан яшамоқдалар. Улар бу йилнинг—етти йиллик тўртинчи йилининг давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга, янги марраларга жадаллик билан эришмоқ учун замин тайёрлашга интилмоқдалар. Шонли ишчилар синфимиз социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб бормоқда. Етти йилликнинг контроль рақамлари даражасидан олдинда бораётган республика саноати ўн ойлик программани муддатидан олдин бажариб, пландан ташқари кўп миллион сўмлик маҳсулот берди. Шуниси қувончлики, саноатда чуқур сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Техника тараққиёти тобора юксалиб бормоқда.

Етти йилликнинг уч ярим йили мобайнида республиканинг саноат корхоналарида 250 та автомат ва поток линияларини ишга туширилди, тўққиз мингтага яқин ҳар хил машина-ускуналар модернизация қилинди, машиналарнинг икки юзтадан кўпроқ янги турлари яратилди.

Ўзбекистонда газ саноати мисли кўрилмаган суръатлар билан ривож топмоқда. Геологлар янги-янги газ конларини топмоқдалар. Республикада «Зангори ёнилғи»нинг чамалаб қўйилган жамики запаси ҳозир уч ярим триллион кубометрга етди. Ўлкан «Бухоро—Ўрал» газ қувури тобора шимолга қараб бормоқда, унинг трассаси қардош Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон республикаларидан ва Россия Федерацияси территориясидан ўтади. Бу — чинакам «дўстлик трассаси»дир. «Зангори ёнилғи» учун йўл солиб бераётган қурувчилар коллективи меҳнатда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатмоқда. Уралдаги қардошларимиз келгуси йилдаёқ Бухорининг арзон газидан баҳраманд бўладилар.

Тошкент темир йўлининг коллективи ўн ойлик топшириқни муваффақият билан адо этди. Тошкент темир йўли техника-иқтисодий кўрсаткичларнинг бир қанчаси бўйича етти йиллик планнинг контроль рақамларида мўлжалланган даражадан бир-икки йил олдинда бормоқда. Автомобиль транспорти ва алоқа ходимлари ўн ойлик ишлаб чиқариш программасини ортиқ билан бажардилар. Республикада йўл қурилишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бинокорларимиз олга қараб яна бир қадам қўйдилар. Улар етти йилликнинг уч ярим йили ичида 255 та саноат корхонаси ва цехни қуриб битказдилар. Шу давр ичида Оҳангарон ва Тахиатош ГРЭСлари электр энергияси бера бошлади. Қурама тоғлари этагида мамлакат рангли металлургиясининг улкан корхонаси — Олтинтопган кўрғошин-рух ва мис комбинати қад кўтарди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, энг катта Оҳангарон цемент заводининг иккита технология линияси, Фарғонадаги азот ўғитлари заводининг биринчи навбати, В. И. Ленин номидаги металлургия заводида пўлатни узлуксиз қуйиш установкаси ва бошқа корхоналар ишга туширилди. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида бинокорлар қарийб эллик миллион сўмни ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14 процентдан зиёдроқ капитал маблағни ўзлаштирдилар.

Республикада капитал қурилиш мустаҳкам индустриал базага эга бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда 1958 йилдагига нисбатан йиғма темир бетон ишлаб чиқариш 3,5 баравар, цемент ишлаб чиқариш эса уч баравар кўпайтирилди. Тайёр уйлар ясаб берадиган бешта завод қурилди ва ишга туширилди. Ҳозир битай деб қолган яна бешта шундай завод қурилиб ишга туширилганидан кейин йирик панеллардан уй ясаб берадиган заводларнинг қуввати янада кучаяди ва бу заводлар йилига 450 минг квадрат метрга яқин уй жой қуриш имкониятини беради.

Саноат, транспорт ва қурилишнинг жуда тез юксалаётганлигидан хурсанд бўлар эканмиз, айни маҳалда бу тармоқлар тағин ҳам яхшироқ ишлаши мумкинлигини равшан тушуниб турибмиз. Республика корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг ҳаммаси ҳам давлат планларини бажараяпти, деб бўлмайди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Нотиқ корхоналарнинг иш натижаларидан коллективларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг катта аҳамияти борлигини уқтириб ўтди. Коллективларни моддий рағбатлантириш формаси бўлган корхона фондининг роли, деди нотиқ, ҳозирги вақтда етарли равишда таъсирчан эмас. 1961 йилда корхоналарнинг фақат 50 процентидагина мана шундай фондлар бор эди. Корхоналарнинг фондидан фойдаланишдаги камчиликлар бу фондининг ролини камайтирмоқда. Юқори ташкилотлар — халқ хўжалиги кенгашлари ва республикаларнинг Министрлар Советлари ҳар йил корхоналарнинг фондларидан анчагина маблағларни олиб қўймоқдалар. Корхоналар фондидан фойдаланишни, дейди нотиқ, анча яхшилаш зарур; яхши ишлаётган коллективларни рағбатлантириш имкониятларини кенгайтириш керак.

Пировардида, ўртоқ Гришин айтдики, мамлакатимизнинг ишчилари ва хизматчилари, касаба союзларининг ўн миллионлаб аъзолари Коммунистик партиянинг ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қувватлаётганликларини айтмоқдалар. Мамлакат меҳнаткашлари КПСС теварагида, ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитет теварагида тағин ҳам маҳкам жипслашиб, коммунистик қурилишнинг улуғ планларини амалга ошириш учун курашдаги ўз ғайратларини кўпайтирадилар.

Болтиқ заводининг кема йиғувчиси **В. А. Смирнова** (Ленинград) сўз берилади. Болтиқ заводининг ишчиси бўлган мен, дейди у, Кремлда катта давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш вақтида қутқ сўзлаш шарафига муяссар бўлдим. Биз, кемасозлар Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленумини чақириш ҳақидаги хабарни зўр шодлик билан кутиб олдик. Партия XXII съездидан кейин ўтган бир йил ишчилар, инженерлар ва техниклар коммунистик қурилиш программасини нақадар руҳланиб амалга ошираётганликларини кўрсатди. Барча совет кишилари халқимизнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлган доно сиёсат ўтказаётганлиги учун партиянинг ленинчи Марказий Комитетига қизғин миннатдорчилик билдирадилар.

Биз, Ленинград ишчилари, Никита Сергеевич Хрушчевнинг саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада яхшилаш соҳасидаги таклифларини батамом ва тўла маъқуллаймиз. Пленум қарорлари партия Программасида қўйилган вазифаларни ҳал этишни жадаллаштириш имконини беради.

Нотиқ КПСС Марказий Комитети кемасозликни ривожлантиришга катта эътибор бераётганлигини таъкидлайди. Партия ва ҳукумат раҳбарлари, шахсан Н. С. Хрушчев Ленинградга бир неча марта бориб, кемасозларга ёрдам кўрсатдилар. Н. С. Хрушчев Болтиқ заводига борганида, деб ҳикоя қилади у, Ленинградлик ишчи, ва жумладан стапеллардан завод қувватидан тўла фойдаланмаётганлигимиз учун бизларни танқид қилган эди. Биз бу танқидий фикрларни ҳисобга олдик. Мен бугун Пленумга билдира оламанки, «София» танкери шу йил декабрь ойида, муддатидан илгари сувга туширилади. Шу стапелнинг ўзида ҳозирок навбатдаги танкернинг асоси қурилди. Болтиқ заводининг коллективи етти йилликнинг тўртинчи йили планини муддатидан илгари тугаллаш бўйича ўз мажбуриятларини бажара бориб, «Улан-Батор» танкерини ва «Чуркин» рефрижераторини флотга белгиланган муддатдан илгари топширади.

Ўртоқ Смирнов айтадики, Болтиқ заводида кўпгина ишчилар меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатмоқда лар, янги техникадан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини доимо қидирмоқдалар. Болтиқчилар Ленинграддаги илғор корхоналарнинг коммунистик меҳнат тажрибаси мактабларини тузиш соҳасидаги ташаббусларини кенг қўллаб-қувватладилар. Бу мактабларда сиёсий ва ахлоқий тарбия янги, прогрессив методларни ўрғатиш билан қўшиб олиб борилади. Ҳозир заводнинг 500 дан ортиқ илғор ишчиси ёшларни ўз оталигига олиб, уларга ўз тажрибаларини ўргатмоқда. Олдинги сафда бўлиш, эришилган муваффақият билан чекланиб қолмаслик, қолоқларга ёрдам бериш — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг ҳаммаси учун ҳаёт қонуни бўлиб қолди.

Бизнинг заводимиз, деб давом этади нотиқ, кейнги йилларда кемалар ишлаб чиқаришни анча кўпайтирди ва уларни қуриш муддатларини қисқартирди, бунда «София» типидаги катта тоннажли танкерлар янада тезроқ ва арзонроқ қуриладиган бўлади. Корхонада ана шу сериядаги танкерларни қуришнинг поток-позицион методи ишлаб чиқилди ва жорий этилди, бу эса, ички резервлардан, шунингдек ватан ва чет эл кемасозлиги муваффақиятларидан фойдаланиш имкониятини беради. Бироқ қурилаётган кемаларни ускуналар ва комплектловчи ашёлар билан ўз вақтида таъминлаш соҳасида шу вақтгача пухта тартиб ўрнатилгани йўқ. Биз, деди В. А. Смирнов, Кемасозлик давлат комитети конструкторлик бюросининг ишини кескин яхшилаш зарурлигини айниқса сезиб турибмиз. Бу бюро чиқараётган чертёжлар сифати ишлаб чиқариш талабларини қондирмаётир.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш кемасозлик соҳасида жиддий ва ҳозиргача ҳал этилмаган масаладир, деди нотиқ. Бизнинг заводимиз уч ташкилотнинг лойиҳасига биноан саккиз типдаги кемаларни бир вақтнинг ўзида қурмоқда. Бу эса, ишда катта қийинчиликлар туғдирмоқда, заводда бир вақтнинг ўзида бир неча катта кема қурилаётган пайтда айниқса қийинчиликлар сезилмоқда.

Биз ишчининг шарафи ҳақида, ишлаб чиқарилган маҳсулот билан фахрланиш тўғрисида, завод маркасининг обрўси учун кураш ҳақида гапираётган ҳозирги пайтда шундай ишга даъват этишгина эмас, балки шу иш учун шароит яратиш ҳам жуда муҳимдир. Бироқ кўпинча ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ларда ишлашга тўғри келмоқда. Пайвандлаш ускуналари соҳасида аҳвол айниқса кескин бўлиб қолди, бу ускуналарнинг анчагина қисми ўн йилдан ортиқ вақтдан бери фойдаланиб келинмоқда. Янги пайвандлаш ва газ ёрдамида қирқувчи ускуналар жуда секин келмоқда ва автоматик пайвандлашни жорий этишга ҳалақит бермоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, кемаларни қуришнинг техника жиҳатидан мураккаблигининг ошиб бораётганлиги заводларда тажрибали ишчи кадрларни мустаҳкамлашни талаб қилади. Ҳозирги вақтда бир корхонанинг ўзида узоқ вақт ишлаган кишилар учун зарур рағбатлантирувчи тадбирлар йўқ. Моддий манфаатдорлик принципидан анча тўлароқ фойдаланиш керак. Бизнинг фикримизча, бу билан меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат Комитети шуғулланиши керак.

Кемасозлар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бутун жиддийлигини тушунган ҳолда, деди ўртоқ Смирнов ўз нутқининг охирида, Болтиқ заводининг ишчилари Марказий Комитет Пленумини ишонтириб айтадиларки, биз ишчи шарафига доғ туширмаймиз ва партия Программасини бажариш учун, мазкур Пленум қарорларини бажариш учун янада зўр ғайрат билан ишлаймиз.

Биз, дейди Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. П. Мжаванадзе**, ҳали очилмаган йўллар билан коммунизм сари бормоқдамиз, шу сабабли, давлатимизнинг ички ҳаёти ва ташқи сиёсат соҳасида кун сайин партия олдида янгидан-янги жуда мураккаб масалалар туғилмоқда. Шунинг учун ҳам партия Марказий Комитети ишининг ленинча услубини кўрсатадиган, тарихий XX съезддан кейин замонамизнинг ажойиб традицияси бўлиб қолган белгиларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман. Халқ билан доимий боғланиш, коммунистик қурилишнинг туб проблемаларини умумхалқнинг кенг муҳокамасига қўйиш замонамизнинг ажойиб традицияси бўлиб қолди. Партиянинг халқ билан доимий алоқада бўлиш зарурлиги ҳозир, ҳам шу Пленумда, Никита Сергеевичнинг ажойиб ёрқин докладида яна бир марта алоҳида куч билан ва яққол уқтириб ўтилди. Бизнинг кучимиз ва енгилмаслигимиз мана шунда эканлигини ҳам ҳаммамиз яхши тушуниб турибмиз. Хатолардан бизни сақлайдиган гарантия ҳам мана шундадир.

Марксизм-ленинизмнинг ҳаётбахш таълимотига ҳеч бир алоқаси бўлмаган догматизм руҳи партияга, унинг Марказий Комитетига бутунлай ёт нарсадир. Турмушдан ажралиб қолган, ўзларининг гоявий пучликларини дабдабали гаплар билан ниқоблаётган кишиларгина догматизм ва ҳамкасб ёпишиб оладилар. Догматикларни ва қироатхонларни турмуш улоқтириб ташлаганлигини ва улоқтириб ташлаётганлигини кўриб турибмиз. Халқ хўжалиги кенгашлари тузилганлигини эса олиш ўзи кифоя қилади. Партиянинг бу тадбирига қаршилик кўрсатганлар ҳам бўлди-ку, буларнинг номини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Уларнинг партияга қарши позицияси нималарга асосланди? Бу позиция шахсга сиғиниш ва ибрат догматик эътиқодга, халққа, оммага ишонишни рад қилишга асосланди.

Шундан бери орада беш йил ўтди. Бошқариш формаси бўлган халқ хўжалиги кенгашлари яхши ишлаётганлиги батамом ва тўла равишда исбот бўлди. Буни Совет Иттифоқи саноати етти йиллик планни муваффақиятли бажараётганлиги, ҳар қайси республиканинг саноати барқ уриб ривожланаётганлиги исботлаб турибди. Халқ хўжалиги кенгаши тузилганидан кейин Грузияда саноат маҳсулотининг ҳажми бир ярим баравардан зиёдроқ кўпайди, бошқарув аппарати эса, қисқарди. Шу йиллар ичида кўпгина катта корхоналар қурилди, саноатнинг янги тармоқлари: электротехника, асбобсозлик, радиотехника ва бошқа саноат тармоқлари барпо қилинди. Энг муҳими саноат ташкилотчилари бўлган ажойиб кадрлар ўсиб етишди. Марказий Комитетнинг ленинча сиёсати узоқни кўрадиган сиёсат эканлигини кўрсатувчи яққол далил мана шунинг ўзидир.

Съезддан кейин ўтган бир йил бизнинг республикамизда катта янги қурилишлар йили бўлди. Химия корхоналарида янги цехлар ва ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилмоқда. Ғоят қийин шароитда барпо қилинаётган Оржоникидзе — Тбилиси газ қувурини қуриш соҳасида катта ишлар қилинмоқда. Ингури ГЭС электростанциясини қуриш ишлари кенг авж олдириб юборилди. Қурилиш техникаси жиҳатдан уникал бўлган бу электростанция ҳозир Грузияда ишлаб турган барча электростанцияларга қараганда кўпроқ энергия беради.

Қишлоқ хўжалигини бошқариш системаси қайта қурилганлиги ҳам Марказий Комитетнинг, бутун партиянинг мана шундай жуда катта аҳамиятга эга бўлган ишларидан бири бўлди. Территориал ишлаб чиқариш бошқармалари ишга тушганидан бери ўтган оз вакт ичида бу бошқармалар мана шу янги ташкилотларнинг мақсадга мувофиқлигини ва ҳаётийлигини тўла равишда исбот қилди.

Бу йил республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган чойкорликда тузук кўрсаткичларга эришди. Грузия чойкорлари чой барги ҳосилини кўпайтиришда етти йилликнинг контроль рақамларида 1965 йил учун мўлжалланган маррага етиб олдилар ва мамлакатга 170 минг тоннадан кўпроқ яшил чой барги бердилар. Грузия соҳибкорлари бу йил давлатга 200 минг тоннадан кўпроқ, яъни 1953 йилдагига қараганда икки ярим баравар зиёдроқ узум сотиб, яхши натижаларга эришдилар.

Грузия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми, дейди ўртоқ Мжаванадзе, етти йиллик нинг контроль рақамларини қайта кўриб чиқиб, баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қарор қилди. Токзорлар майдони 1965 йилда 155 минг гектарга етказилади, мевазор, чойзор, цитрус майдонлари кўпайтирилади. Шу муддат ичида колхозлар ва совхозларда сигирларнинг сони қарийб икки баравар кўпайтирилади.

Хўжаликка раҳбарлик қилиш масаласи, дейди сўнгра нотиқ, биз, коммунистлар учун, алоҳида сиёсий аҳамият касб қилмоқда. Коммунистик қурилишнинг муваффақияти фабрикада, заводда, қурилишда, колхоз ва совхозда ҳал қилинади. Ташкилий, оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларнинг маркази ана шу ерга кўчирилиши керак.

Партия органларининг ҳозирги структураси бу органларнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан ҳам конкрет ва чуқур шуғулланишга имконият бермаётир. Биз Н. С. Хрушчевнинг, эски ташкилий формалар эндиликда партиянинг ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишига маълум даражада тўсиқ бўлиб қолди, деган фикрига тўла равишда қўшиламиз.

Саноатга ва қишлоқ хўжалигига раҳбарликни қатъий чегаралаб қўйиш, уни тағин ҳам конкретроқ ва малакалироқ қилиш учун Грузия Компартияси Марказий Комитети саноатга раҳбарлик қилиш масалалари билан шуғулланадиган алоҳида партия комитетлари ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган алоҳида партия комитетлари тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Республикада 64 та қишлоқ райони ўрнига ишлаб чиқариш бошқармалари сонига мувофиқ. 25 та қишлоқ маъмурий единица тузишни мўлжаллаб қўйди. Грузия Компартияси Марказий Комитети саноатга, қурилишга ва транспортга партиянинг конкрет раҳбарлик қилишини таъминлаш учун саноат зоналари бўйича 12 та партия комитети тузмоқчи.

Жойлардаги партия комитетларининг структурасини мўлжалланганидек қайта қуриш Грузия Компартияси Марказий Комитетининг ҳам структурасини ўзгартиришни талаб қилади. Грузия Компартияси Марказий Комитетининг составида: Марказий Комитет Президиуми, Марказий Комитетнинг саноатга раҳбарлик бюроси, Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик бюроси бўлади. Партия органлари, дейди ўртоқ Мжаванадзе, мавжуд штатлар ва иш ҳақи фондлари доирасида қайта ташкил қилинади, бу штатлар ва фондлар, ҳатто, бирмунча қисқартирилади.

Ягона партия-давлат контроли органини тузиш масаласи Н. С. Хрушчев томонидан Пленум муҳокамасига қўйилган энг муҳим масалаларнинг биридир. Партия-давлат контролининг бирлиги тўғрисидаги ленинча принцип Сталин шахсига сиғиниш даврида қўпол равишда бузилган эди. Бу соҳада ленинча принципни тиклаш давлатимизнинг бутун тараққиётига самарали таъсир қилади.

Нотиқ саноатга раҳбарлик масалаларига тўхталиб айтдики, иқтисодий соҳада бўлган тарқоқликни, уйғунсизликни, бир ишни бир неча ташкилот бажаришдан иборат зарарли практикани, муҳим иқтисодий проблемаларни ҳал қилишда маҳаллилик кўринишларини йўқотишга ёрдам берадиган ташкилий раҳбарлик формаларини топиш зарур.

Масалан, Озарбайжон ва Грузиянинг мустақил темир йўл бошқармалари бор. Шу иккала республикадаги темир йўлларнинг узунлиги 3.500 километр, яъни мамлакатда Закавказьедаги иккала темир йўлга қараганда бир кунда бир неча баравар кўп юк ташиётган бошқа темир йўллари ўёқда турсин, ҳатто, кўшни Шимолий Кавказ темир йўлига қараганда ҳам қисқароқдир. Озарбайжон ва Грузия темир йўллари мана шундай бўлиниб қўйилганлиги натижасида ортиқча харажатлар қилиш учун шароит туғилмоқда, транспортдан унчалик самарали фойдаланилмаётир.

Нефть саноати тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Агар биз ҳар иккала республикадаги — Озарбайжон ва Грузиядаги геологлар, нефтьчилар, пармаловчиларнинг куч-ғайрат и н и бирлаштирсак, Грузияда ҳам тезроқ нефть топилган бўлур эди.

Закавказьедаги электростанцияларнинг ҳаммаси туташ энергетика системасига бирлаштирилган. Шу билан бирга, Грузэнерго, Армэнерго, Азэнерго, сингари ташкилотлар бор. Бу учала ташкилот, ҳеч сўзсиз, бирлаштирилиши ва битта раҳбарликка эга бўлиши мумкин бўлур эди.

Закавказье республикаларининг раҳбарлари катта Закавказье иқтисодий районининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир ҳамма тадбирларни биргаликда ўйлаб чиқиб, ўз таклифларини партия Марказий Комитетининг қарамогига тақдим қилишлари зарур.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, оммани сафарбар қилиш, оммани ижодий активлигини ошириш соҳасида ҳормай-толмай систематик иш олиб бориш, деди пировардида ўртоқ Мжаванадзе, экономикам и з н и янада кенг миқёсда ривожлантиришни таъминлаш, коммунистик қурилишда янги муваффақиятларни таъминлаш мумкин.

Тернополь областидаги КПСС XXII съезди номли колхознинг мамлакатда донг чиқарган меккажўхорикор звено бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Е. А. Долинюкни** Пленум қатнашчилари қизғин табриклидилар.

Бизнинг мамлакатимизда, деди, у барча муҳим давлат масалаларини коллектив бўлиб ҳал қилиш традиция бўлиб қолди. Ҳозир ҳам Марказий Комитет бизни тўплаб, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилаш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни биз билан маслаҳатлашмоқда ва муҳокама қилмоқда. Марказий Комитет партия ва халқнинг коллектив тажрибасига ва коллектив ақл-идрокига ҳамиша таяниб ишламоқда. Мана шунинг ўзи Владимир Ильич Ленин ишлаб чиққан партия турмуши нормалари амалда рўёбга чиқарилаётганлигининг ўзидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўзининг докладида ва шу Пленумда сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг коммунизм қуришдаги муваффақиятлари тўғрисида гапирдилар. Бу муваффақиятларга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бу муваффақиятлар айниқса яққол кўриниб турибди. Колхозлар ва совхозларга раҳбарлик қилувчи янги органлар тузилганлиги шу муваффақиятларни қўлга киритишга кўп жиҳатдан ёрдам берди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш масалаларини тағин ҳам оперативроқ ва малакалироқ ҳал қилишга имкон берди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми арафасида Тернополь областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўзларининг социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарганликлари — давлатга 13,4 миллион пуд ғалла сотганликлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига зўр хурсандлик билан рапорт бердилар. Маккажўхорикорлар ҳам бу ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Улар давлат омборларига уч миллион пудга яқин маккажўхори дони тўкиб қўйдилар. Улар маккажўхорининг гибрид ва сара уруғликларининг ўзидан 33 минг тоннадан кўпроқ дон сотдилар.

Масалан, бизнинг колхозни олиб кўрайлик. Колхозимиз давлатга 270 минг пуд ғалла сотди ва жамоат чорвачилигини ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришди. Ҳайдаладиган ерларнинг юз гектарига ҳисобланганда шу дамгача 384 центнердан сут ва 58 центнердан гўшт етиштирди. Бизнинг звекомиз юз гектар ернинг ҳар бир гектаридан 81 центнердан қуруқ маккажўхори дони олди ва шу ерларнинг ҳар бир гектаридан 130 центнердан ковоқ ҳосили олди. Звеномиз маккажўхоридан олган ялпи дон ҳосили 8.150 центнерни ташкил қилди. Бу дон камида 2.150 центнер чўчқа гўшти етиштириш учун етади. Колхоз мана шу чўчқа гўштини сотиб 204,2 минг сўм олиши мумкин. Агар биз қўшиб экиб олган маккажўхорининг пояси ва қовоқ билан сигирларни боқсак, шу сигирлардан 7.425 центнер сут согиб олишимиз мумкин.

Баъзи бир кишилар: «Мана, Долинюк яна ўзининг маккажўхориси тўғрисида гапираяпти» деб ўйлашлари мумкин. Маккажўхорини, ўртоқлар, унутиб қўйиш ярамайди. Маккажўхорини ҳамиша меҳр-муҳаббат билан ўстирсак, у сарфланган меҳнатимизни юз чандон кўп қилиб қайтаради. Мен яна шу нарсани эслатиб ўтмоқчиманки, маккажўхоридан мўл ҳосил олмоқ учун энг муҳими ерни яхшилаб ўғитлаш, ўз вақтида ва сифатли қилиб экиш, экиларни яхшилаб парвариш қилиш, бу экиндан ҳосил олмоқ учун ҳалол меҳнат қилиш керак. Колхоз қишлоғининг ҳамма меҳнаткашларига, шонли дуголаларим бўлган ҳамма аёлларга қайта-қайта айтадиган сўзим шуки, ҳамиша ва ҳамма жойда ғаллакорлик шарафини қадрлангиз, катта майдонларда маккажўхоридан катта ҳосил олиш, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, коммунистик мўл-кўлчилик косамизни кундан-кунга тўлдириш ҳаракатини тағин ҳам кенг авж олдирингиз.

Коммунизм қуришнинг жуда катта программасини муваффақиятли равишда амалга оширишга фидокорона меҳнат билан муносиб ҳисса қўшмоқ учун, дейди Е. А. Долинюк, бизнинг звеномиз, бизнинг колхозимиз ҳамма чораларни кўради.

КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари **Г. И. Воробьев** мамлакатимизнинг коммунизм сари тезроқ ҳаракат қилиш йўлларини белгилаб берган ўртоқ Н. С. Хрушчев докладини Кубаннинг 157 минг коммунисти номидан маъқуллади. Нотиқ айтдики, бутун совет халқи билан биргаликда Кубан меҳнаткашлари ҳам коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Етти йиллик бошланганидан бери ўлкада саноат маҳсулотининг ҳажми планда кўзда тутилган 29 процент ўрнига 34 процент ўсди. Озиқ-овқат, тўқимачилик, газ ва цемент саноат тармоқлари айниқса юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Гўшт-сут ва виночилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари қарийб икки баравар ўсди. Қанд-шакар ишлаб чиқариш 9 баравар кўпайди. Ўлкада разведка қилинган табиий газ запаслари ҳозироқ 550 миллиард кубометрга етди. Кубан газини Москва, Ленинград, Донбасс олмоқда. Цемент ишлаб чиқариш етти йилликнинг охиригача икки баравар ўсади ва 4 миллион тоннани ташкил қилади.

Бироқ, бизда резервлардан ҳали тўла фойдаланилаётгани йўқ, деди ўртоқ Воробьев. Озиқ-овқат саноати ишига мавсумийлик кескин таъсир кўрсатмоқда. Мавсумийлик бутун йил мобайнида моддий ва меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланиш имконини бермаётир, капитал маблағларнинг самарали бўлишини ва ўрнининг тез қопланишини сусайтирмоқда. Масалан, қанд-шакар заводлари йилига 4—5 ой, консерва заводлари эса 5—6 ой ишламоқда. Қолган вақтда уларнинг ускуналари ва энергетика қувватлари бекор туриб қолади.

Биз озиқ-овқат саноатининг бундан буёнги тараққиёти мавсум жиҳатидан бир-бирига тўғри келмайдиган ишлари бажарилиб, ва катта ҳажмдаги муҳоналарга эга бўлган корхоналарни бирлаштирадиган комплекс комбинатлар қуриш йўлидан бориши керак деб ҳисоблаймиз. Бу эса, ускуналарга бир меёрда нагрузка бериш, хомашёни қайта ишлашни кўпайтириш, ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, капитал сарфларни ва фойдаланиш ҳаражатларини анча қисқартириш имкониятини беради. Қанд-шакар заводлари билан кооперация тарзида гўшт, сут, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик хомашёларини қайта ишлайдиган корхоналар қуриш керак бўлади.

Бундай тадбирларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эканлиги тамомила равшандир, деб таъкидлайди нотиқ. Усть-Лабинск қанд-шакар з а в о д и да ўтган йили гўштни қайта ишлайдиган цех қурилди, Ленинград қанд заводи билан кооперация тарзида эса, бир сменада 100 тонна сутни қайта ишлай оладиган пишлоқ комбинати қурилди. Ана шу икки объектни қуришнинг ўзида бир ярим миллион сўм маблағ тежаб қолинди, фойдаланиш ҳаражатлари эса йилига 350 минг сўм камайди. Озиқ-овқат саноати корхоналарини кооперативлаштириш ягона бошқариш идорасига эга бўлган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради. Ўртоқ Воробьев ўз фикрини ривожлантириб, қанд заводларининг қувватларидан қўшимча тарзда фойдаланиш имкониятлари ҳақидаги мулоҳазаларини айтади.Ез фаслида бекор ётадиган сув-насос установкалари ва коммуникациялари далаларни суғориш учун ишлатилиши мумкин. Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, деди нотиқ, ўлкада қанд заводларига бевосита яқин бўлган 40—50 минг гектар ерни суғориш мумкин. Бунда ҳар гектар ерни суғориш харажатлари оддий усулда суғоришга қараганда, 3—4 баравар арзон бўлади. Ўлкада ҳозироқ бироз тажриба бор. Бу йил Тихорецк районидаги «Советская Родина» колхози қанд заводининг сув-насос станциясидан фойдаланиб, 90 гектар ерни суғорди ва ана шу ерларнинг ҳар гектаридан 85 центнердан маккажўхори дони олди.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқининг давоми

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Бир қанча корхоналарда ишнинг бир маромда бормаётганлиги катта зарар етказмоқда. Техника муваффақиятлари ва илғорлар тажрибаси сёкинлик билан жорий қилинмоқда, материаллар билан таъминлаш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишида камчиликлар содир бўлмоқда, ҳар хил нобудгарчиликлар ҳали ҳам кўп. Баъзи қурилишларда материал ва пул маблағларини сочиб юбориш давом этмоқда, механизмлардан ёмон фойдаланилмоқда.

Ҳозир республика партия ташкилоти саноат, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг ишини янада яхшилаш чораларини кўрмоқда. Партия органлари структурасининг қайта тузилиши бунда жуда катта роль ўйнайди.

Ўртоқлар! Партиямиз қишлоқ хўжалигини — коммунистик қурилишнинг ана шу зарбдор фронтини кескин юксалтириш соҳасидаги тадбирларни дадиллик ва азимкорлик билан амалга ошириб келмоқда. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорига биноан ташкил қилинган қишлоқ хўжалигини бошқариш янги органлари ажойиб самаралар бергانлигини ҳаммамиз зўр мамнуният билан таъкидламоқдамиз. Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги органлари бўлган ишлаб чиқариш бошқармалари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш масала л а р и н и конкрет ва оператив равишда ҳал қила олаётганликларини қисқа муддат ичида яққол кўрсатдилар.

Пахта етиштириши кўпайтириш Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг ҳамиша энг асосий вазифаси бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Бу бизнинг энг асосий вазифамиз, СССРдаги барча қардош халқлар оиласи олдидаги энг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган хатида ва мана шу Пленумда қилган докладида пахтакор республикалар халқдан жуда қарздор бўлиб қолмоқда, улар етти йиллик планда белгиланган даражадан орқада қолмоқда, деб мутлақо ҳақли суратда кўрсатиб ўтди.

Сўнгги йилларда совет пахтачилигида зўр ўзгаришлар рўй берди. КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг катта ёрдами билан қишлоқ хўжалигининг мана шу тармоғида чинакам техника революцияси амалга оширилди. Пахта етиштиришнинг илғор, прогрессив усуллари тантана қилди.

Лекин «оқ олтин» етиштириш соҳасида республикамиз давлатдан қарздор бўлиб қолаётганлигини, етти йилликнинг уч йилида пахтачилик соҳасидаги топшириқлар 98 процент атрофида бажарилганлигини биз бир минут ҳам унутмаймиз. Ўзбекистон партия ташкилоти, барча меҳнаткашларининг куч-қуввати, ғайрати, иродаси пахтачилик соҳасида тўпланиб қолган қарзимизни давлатга топширишга қаратилгандир. Гарчи бу йил пахтачилик учун ноқулай келган, гарчи асосий суғориш манбаларида сира мисли кўрилмаган сув танқислиги юз берган бўлсада, республикадаги колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари партия ташкилоти раҳбарлигида, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг зўр ёрдами билан мўл ҳосил етиштирдилар. Республика бугунгача пахта тайёрлаш планини қариб 79 процент бажарди.

Хоразм областининг меҳнаткашлари катта муваффақиятга эришдилар. Пахтакор республикалардаги қишлоқ хўжалик ходимларининг ўтган йилги зона кенгашида улар гектар бошига 30 центнер ҳосил етиштириб, давлатга камида 300 минг тонна «оқ олтин» сотишга ваъда қилган эдилар, Хоразм пахтакорлари ўз ваъдаларига вафо қилмоқдалар. Эртага улар планни тўла бажариб, гектар бошига 27 центнер пахта топширадилар.

Никита Сергеевич Хрушчевнинг Мирзачўлга икки марта боргани, Мирзачўлдаги дашт-биёбонларни забт этган кишиларнинг меҳнатига юксак баҳо бергани қўриқ ерларни ўзлаштираётган кишиларни руҳлантириб юборди ва улар қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Умуман олганда, Мирзачўлнинг Ўзбекистон территориясидаги совхозлар давлат пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди ва пландан ташқари ўн минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» беришга ваъда қилмоқда. Никита Сергеевич, Сизнинг Мирзачўл — мамлакатимизнинг жуда бой олтин кони, деган сўзларингиз яна бир марта тўғри бўлиб чиқмоқда.

Бироқ, умуман олганда республика пахта териш ва тайёрлаш соҳасида орқада қолаётганлигини айтиб ўтиш керак. Айрим партия ташкилотлари бу йилги оғир шароитларда лозим бўлганича чақ-қонлик ва уюшқоқлик билан ишлашни таъмин этмадилар, ҳамма одамларни ва моддий ресурсларни пахта теримига ўз вақтида сафарбар эта билмадилар. Бухоро, Самарқанд областлари, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, Тошкент, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё областларининг бир қанча районлари ҳосил теримида кескин орқада қолмоқда.

Бу йил маълум сабабларга кўра, пахта 20—25 кун кеч етилди. Теримни ноябрда ҳам, декабрда ҳам давом эттирамиз. Далаларда ҳали пахта кўп ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳозир табиатнинг инжиқликларига қарамай етиштирилган бутун ҳосилни териб олиш ҳамда ерларни шудгорлаш учун қўшимча чоралар кўрмоқда.

Республика партия ташкилоти мамлакатни пахта билан таъминлаш учун юксак даражада масъуллиятли эканлигини англамоқда. Биз, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг хатида, унинг мана шу Пленумдаги докладида баён қилинган фикрларга, Н. С. Хрушчев Ўзбекистонда бўлган вақтида берган кўрсатмаларига асосланиб, ҳозир шундай тадбирларни ишлаб чиқмоқдамизки, бу тадбирларнинг амалга оширилиши пахта етиштиришни 1963 йилда 3 миллион 400 минг тоннага, 1964 йилда 3 миллион 560 минг тоннага ва 1965 йилда 3 миллион 800 минг тоннага, яъни етти йилликнинг контроль рақамларида кўзда тутилган максимум даражага етказиш имконини беради.

Ана шу тадбирларда, аввало, ҳар бир хўжаликнинг гектар бошига камида 25 центнер пахта олиши вазифасини ҳал қилиш ҳамда экин майдонларини кенгайтириш, колхоз ва совхозларнинг сув билан таъминланишини яхшилаш кўзда тутилади.

Ирригация ва мелиорация масалалари биз учун ғоят катта аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда ирригация — мелиорация қурилиши соҳасида республикада бир талай иш қилинди. Сув учун кураш чинакам умумхалқ кураши бўлиб қолди. Ўзбекистон бағрида Тошкент, Чимқўрғон, Жанубий Сурхон сув омборлари сингари йирик иншоотлар бунёдга келди. Қорақалпоғистонда В. И. Ленин номидаги каналда, Фарғона водисида Фрунзе ва Отпинкўл ва бошқа жойларда кучли насос станциялари ишлай бошлади, йирик мелиорация объектлари — Тошкент областида Мирзачўл бош коллектори, шунингдек Амударё этакларида Туркманистон пахтакорлари билан биргаликда қурилган Шимолий коллектор фойдаланишга топширилди. Каркидон сув омборини қуриш, Амударё—Бухоро машина каналини ва бошқа ирригация объектларини қуриш ишлари қизғин бормоқда. Яқин фурсатда Кампирровод сув омборини, Чорвоқ ва Тахиатош гидроузелларини қуриш бошланади.

Сув хўжалиги қурилиши бундан буён ҳам республика партия ташкилотининг диққат марказида туради, чунки пахтачилигимизнинг истиқболи механизация қатори ирригация ва мелиорацияга ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистон партия ташкилоти пахтачиликни юксалтиришга биринчи даражали эътибор бериш билан бирга, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун астойдил курашмоқда. Республика каноп ва жут пояси, пилла, қоракўл тери, тухум тайёрлаш йиллик планларини муддатидан олдин бажарганлигини Пленумга маълум қиламиз. Жун сотиш, сабзавот ва мева тайёрлаш планлари яқин кунларда б

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Сўнгра Г. И. Воробьев Кубан қишлоқ хўжалигининг муваффақиятлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. У айтдики, территориал-ишлаб чиқариш бошқармалари бевосита колхоз ва совхозларда иш олиб бормоқдалар, аҳволни чуқур ўрганмоқдалар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши масалаларини оператив ва малакали тарзда ҳал қилмоқдалар. Бу тадбирларнинг ҳаммаси дала ишларини кўпроқ уюшқоқлик билан, яхшироқ, сифатлироқ ва саноат корхоналари ҳамда шаҳарлардан ишчи кучини жалб қилмаган ҳолда бажариш имконини берди. Кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар билан банд бўлган 526 минг гектар ер ҳайдалди. Ўлкада ғалла етиштириш ўтган йилдагига қараганда 36 миллион пуд кўпайди, дон тайёрлаш эса 152 миллион пудни ташкил қилди. Бу — Краснодар ўлкасининг бутун тарихида энг кўп миқдордир.

Кубан меҳнаткашлари, деди ўртоқ Воробьев, партия Марказий Комитети ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевнинг ўлка халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, эътибор бериб келаётганликларини доимо сезиб турибдилар. Шу йил сентябрь ойининг бошларида Никита Сергеевич Кубанга борган пайтида бизнинг эътиборимизни Кубандаги серҳосил нам ерларни қуритиш зарурлигига, ўлканинг чўл қисмидаги ерларни суғориш ва сув билан таъминлашга қаратди. Ҳозир бу масала СССР Министрлар Советида қараб чиқилмоқда. Ўлка меҳнаткашлари бу ғамхўрликка жавобан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан катта ишларни бошлаб юбордилар. Кузги экинлар ҳозиргаёқ ўтган йилдагига қараганда 250 минг гектар ерга кўп экилди. Чорвадорлар ўз имкониятлари ва резервларини ҳисоблаб чиқиб, 1963 йилда ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 75 центнердан ва бошқа ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 16 центнердан гўшт етиштиришни мўлжалламоқдалар.

Партия Программасида қўйилган улуғвор вазифалар, деди ўз нутқининг охирида нотиқ, халқ хўжалигининг барча тармоқларига раҳбарликнинг юксакроқ савияда бўлишини талаб қилмоқда. Партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга конкрет, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишлари зарур. Шунинг учун ҳам биз партия органларини ташкилий жиҳатдан қайта қуриш юзасидан Никита Сергеевич Хрушчев таклиф қилган ва асослаб берган тадбирларни қизғин маъқуллаймиз.

Минбарга Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. И. Бодюл** чиқади. Бу Пленум, деди у, партия XXII съезднинг мамлакатга раҳбарлик қилишда партия ролини оширишу ҳақидаги қарорларини амалга ошириш йўлида навбатдаги босқич бўлади.

Мамлакат ички ҳаёти ва халқаро сиёсат масалалари Ленин давридан кейин ҳеч қачон Н. С. Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитет ҳал қилаётганидек шу қадар донолик билан, чуқур ва узоқни кўзлаб ҳал этилмаган эди.

XX съездан кейин, деб давом этади нотиқ, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида йирик муваффақиятлар қўлга киритилди. Бу йиллар мамлакат ишлаб чиқарувчи кучлари барқ уриб ўсган, социалистик ишлаб чиқариш резервларидан кенг фойдаланилган, техника мислсиз тараққий этган, фан парвоз қилган, совет халқи коммунизм қуриш соҳасида жаҳоншумул-тарихий ғалабаларга эришган йиллар бўлди. Саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигини бошқаришни тубдан яхшилаш, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ошириш, партиянинг идеология ишини ошириш юзасидан партия Марказий Комитети амалга оширган муҳим тадбирлар бу муваффақиятларни қўлга киритишда кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Халқ хўжалиги кенгашларининг ва колхоз-совхоз бошқармаларининг тузилиши саноат ва қишлоқ хўжалигига раҳбарликни анча яхшилаш, фан ва илғор практика муваффақиятларидан тўлароқ фойдаланиш, хўжалик масалаларини ҳал этиш учун кадрлар масъулиятини ошириш имконятини берди. Натижада саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг суръатлари анча жадаллашди.

Нотиқ бу аҳволни Молдавия саноати ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар билан кўрсатиб беради. Етти йилликнинг тўрт йили мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш контроль рақамларда мўлжалланган 47 процент ўрнига 50 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 30 процент ортди. Саноат ишлаб чиқаришининг эришилган даражаси етти йилликнинг ҳамма кўрсаткичлари бўйича берилган топшириқлардан олдинда бормоқда. Халқ хўжалиги кенгаши тузилганидан бери республика саноати пландан ташқари ишлаб чиқарган маҳсулот Молдавиядаги бутун саноатнинг 1950 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотига баравар деса бўлади.

Нотиқ айтдики, республика саноати 20 ноябрда умуман ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, шу жумладан қанд-шакар, ўсимлик мойи сингари маҳсулотнинг муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг ўн бир ойлик планини бажарди, цемент, консерва ва узум виноси ишлаб чиқариш соҳасида эса йиллик планни бажарди. Шу билан бирга, ўртоқ Бодюл айтдики, саноатнинг кўп тармоқларида ишлаб чиқариш резервларидан ҳали ҳам ёмон фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқариш планлари бутун йил давомида кўп марталаб қайта кўриб чиқилаётганлиги ва камайтирилаётганлиги ишга катта зарар етказмоқда, капитал маблағлардан фойдаланиш ишида ҳали ҳам мустаҳкам тартиб ўрнатилгани йўқ.

Саноат ва қурилиш ишидаги катта нуқсонлар, аввало, шунинг натижаси бўлмоқдаки, хўжаликнинг бу тармоқларига партия раҳбарлиги етарли эмас, хўжалик органларининг иши устидан партия ва давлат контроли суст.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладида халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қўйилган муҳим масалалар ҳозир жуда катта аҳамият касб қилмоқда. Молдавия партия ташкилоти саноатга ва қурилишга раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги ўз ишига бу кўрсатмаларни асос қилиб олади.

Ўртоқ Бодюл сўнгра, республика экономикасини ривожлантиришнинг бир қанча конкрет масалаларига тўхталиб ўтди. Нотиқ дедики, планлаштириш методларининг мукаммал эмаслиги, бу ишдаги формализм хўжаликнинг баъзи тармоқларини ривожлантиришда диспропорция туғдирмоқда. Чунончи Молдавияда озиқ-овқат саноати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан орқада қолаётганлиги маҳсулотни қабул қилиш ва қайта ишлашда ҳозирнинг ўзидаёқ жиддий қийинчиликлар вужудга келтирмоқда. Бу йил мамлакатнинг саноат марказларига 68 минг тонна хўл мева, узум ва сабзавот юборилди. Бу республиканинг имкониятларига нисбатан камдир, лекин бу маҳсулотни саноат марказларига етказиб беришни кескин кўпайтирмоқ учун Молдавияда музхоналар вужудга келтириш керак.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларини анча жадаллаштирмоқ учун, деди нотиқ, Молдавия колхозлари ва совхозларининг катта имкониятлари бор. Республика партия ташкилотлари Молдавияда дон тайёрлашни 1963 йилда 35—40 миллион пудга етказмоқ учун бутун куч ва ғайратни сарфлайдилар.

Уралмаш заводининг директори **В. В. Кротов** саноатга раҳбарликни қайта қуриш маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қандай яхши таъсир қилганлигини ўз корхонасининг мисолида кўрсатиб берди. Етти йилликнинг ўтган йиллари мобайнида заводда маҳсулот ишлаб чиқариш пулга чақиштириб ҳисоблаганда 30 процентдан зиёдроқ кўпайди, тонна билан ҳисоблаганда эса, қарийб 40 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 21 процент кўпайди. Шу йиллар ичида меҳнат шароитини яхшилаш учун кўп иш қилинди, ишлаб чиқариш маданияти ошди. Бу йилги план муддатидан олдин бажарилишига шак-шубҳа йўқ.

Ҳозир завод реконструкция қилинмоқда. Бу тадбир маҳсулот ишлаб чиқаришни етти йилликнинг охирига бориб 1,8 баравар кўпайтиришни таъминлаши лозим. Аслини олганда Уралмаш заводи янгидан туғилмоқда. Завод тубдан реконструкция қилинаётган бўлса ҳам, лекин корхона тўхтовсиз ишлаб турибди ва ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Нотиқ планлаштирувчи органлар берилаётган капитал маблағларни қисқартирганлигини, бу эса, корхонани қайта ускунаалашни орқага сураётганлигини танқид қилди.

Машиналарни яратувчилар олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқ учун, деди ўртоқ Кротов, бизда зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор. Бундан уч йил муқаддам Уралмаш заводида оғир машинасозлик илмий-тадқиқот конструктор л и к технология институти тузилганлиги фанни ишлаб чиқариш билан бевосита ва маҳкам боғлашнинг жуда яхши формаси бўлди. Заводда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали командирлари, ажойиб новаторлар ва илғорлар бор. Улар намунали меҳнат қилмоқдалар ва иш унуми юксак машиналарни яратишда ўзларининг ажойиб ижодкорликларини кўрсатмоқдалар.

Нотиқ планлаштириш ва таъминот ишидаги кўп босқичликни тугатиш зарурлигини айтди. Бу кўп босқичлик ишни йўл қўйиб бўлмаслик даражада мураккаблаштирмоқда, масъулиятсизлик туғдирмоқда. Ўртоқ Кротов буни Уралмаш мисолида кўрсатиб берди. Ҳар йил завод ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлар планининг лойиҳасини ўз вақтида тақдим қилади, ускуналарни иш билан банд қилишни ҳисоблаб чиқиб, бу тўғридаги материалларни план лойиҳасига қўшиб топширади. Лекин бу ҳисобларни ҳеч ким ҳатто кўриб чиқмайди. Корхона ишлаб чиқариш планини Халқ хўжалиги кенгашининг машинасозлик бошқармасидан олиб туради, аммо, завод фаолиятини ҳақиқатда планлаштириш билан бир неча ташкилот: Свердловск Халқ хўжалиги кенгаши, Федерация Госплани, Бутун Россия Халқ хўжалиги кенгаши, Иттифоқ Госплани шуғулланади. Завод планни тузишда мана шу ташкилотларнинг ҳаммаси билан маслаҳатлашиши, лозим, аммо, шу ташкилотларнинг ҳар қайсиси заводнинг реал имкониятлари ва бошқа факторлар билан ҳисоблашмай, ўзларига тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш планини кўпайтиришга интила берадилар. Тўппа-тўғри планлаштириш ва вертикал бўйсуниш, яъни Халқ хўжалиги кенгашига ҳамда ҳамма ҳуқуқларга эга бўлган ва масъулиятни тўла равишда ўз устига олган битта марказий давлат аппаратига бўйсундириш керак.

Ўртоқ Кротов давлат корхоналарининг ва халқ хўжалиги кенгашлари раҳбарларининг ҳуқуқларини кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Бундай қилиш коллективларнинг ижодий ташаббускорлигини оширган бўлур эди. Корхоналарни майда васийликдан қутқариш пайти келди.

Уралмаш заводининг кўп сонли коллективи, деди ўртоқ Кротов, қийинчиликларни енгишга, ишдаги камчиликларни тугатишга қаттиқ бел боғлаган. Заводимиз коллективи мамлакатимизда коммунизмнинг моддий техника базасини қуриш улуғ ишига муносиб ҳисса қўшмоқ учун ўзининг бутун кучини сарфлайди.

Украина Компартияси Донецк обкомининг биринчи секретари **А. П. Ляшкога** сўз берилади. Кейинги йилларда саноатни, қурилишни ва қишлоқ хўжалигини бошқариш қайта қурилганлиги, раҳбарликнинг ленинча принципларини тиклаш соҳасида партия томонидан қилинган жуда катта ишлар, деди нотиқ, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишининг услуби ва методларини анча ўзгартирди. Энг муҳими шуки, хўжалик ва маданият ҳамма тармоқларининг иши учун маҳаллий органларнинг масъулияти ошди.

Мамлакатнинг энг йирик кўмир-металлургия райони бўлган Донец областида металлургия ва металл ишлаш саноати айниқса тез ривожланмоқда. Қилинган ҳисоблар шуни кўрсатадики, чўян, пўлат ва прокат ишлаб чиқариш соҳасида биз 1965 йил учун планлаштирилган даражага 1963 йилдаёқ эришамиз. Етти йиллик бошланганидан бери иқтисодий районда 165 та янги саноат объекти ишга туширилди. Область қишлоқ хўжалигининг ҳосилдорлиги анча ошди. Колхозлар ва совхозлар давлатга ғалла ва кунгабоқар сотиш планини ўтган йил ҳам, бу йил ҳам ошириб бажардилар. Бу йил давлатга гўшт, сут ва тухум ўтган йилдагига нисбатан кўп сотилди. Шу билан бирга, саноатнинг ишида, қурилишда, область қишлоқ хўжалигида жиддий камчиликлар бор. Ишлаб чиқариш резервларидан унчалик тўла равишда фойдаланилмаётир.

Бизнинг областимиз сингари саноатнинг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлган, капитал қурилиш ҳажми катта бўлган областларда, деб давом қилди нотиқ, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳам ўсиб бораётган шароитда партия органларининг ишида кампаничиликка йўл қўймаслик маҳол. Умуман иқтисодий район ҳар йил планларни ошириб бажараётганлигига қарамай, кўп корхоналар топшириқларни бажармаётганликларига аввало мана шу нарса сабаб бўлаётир, деб айтиш мумкин. Барча коммунистлар, ишчилар, инженер-техник ходимлари и н г кенг иштироки билан камчиликларни зўр бериб кундан-кунга камайтириш, илғорлар тажрибасини жорий қилишни яхшироқ уюштириш, ишлаб чиқариш резервларидан энг кўп даражада фойдаланиш учун партия, хўжалик ташкилотлари тинмай кўп ишлашлари керак. Халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг янги системаси бунинг учун яхши шароит яратиб беради.

Халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда маҳаллий органларнинг ролини ва масъулиятини ошириш, дейди ўртоқ Ляшко, маҳаллий раҳбарлик органлари билан планлаштирувчи марказий органлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзгартиришни талаб қилади. Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, планлаштирувчи органлар планнинг ҳамма жиҳатларини бир-бирига боғлашга ҳали ҳам кам аҳамият бермоқдалар. Маҳсулот ишлаб чиқариш планлаштириб қўйилган энг муҳим объектларни қуриш учун материаллар ва ускуналар ўз вақтида берилмаётганлиги ва натижада шу объектларни ишга туширишмумкин бўлмаётганлигига сабаб ҳам мана шу дейиш мумкин. Корхоналар ва халқ хўжалиги кенгашлари тақдим қилаётган планларни ва таклифларни Госплан етарли равишда ҳисобга олмаётир. Планлаштирувчи органлар н и н г Н. С. Хрушчев таклиф қилган структураси перспектив планлаштиришнинг ҳам, жорий планлаштиришнинг ва планни бажаришни ташкил этишнинг ҳам мунтазам системасидир.

Ўртоқ Ляшко ўз нутқининг охирида айтдики, Донецк областининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари халқ хўжалигига раҳбарликни такомиллаштр и ш соҳасида партиянинг тадбирларини қизғин маъқуллайдилар.

Йўллар министри **Б. П. Бешчев** ўз нутқининг бошида транспортнинг ҳамма турлари юк оборотини тобора кўпайтираётганлигини кўрсатиб ўтди. Темир йўл транспортининг юк обороти бу йил тахминан 1.635 миллиард тонна-километрга етади, бу эса, жаҳондаги темир йўллар юк оборотининг 40 процентидан кўпрогини ташкил қилади.

Йўлларни реконструкция қилишнинг кенг программасини амалга оширишга негиз солган партия XX съездидан кейин ўтган етти йил партиямизнинг транспортни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш тўғрисидаги қарори нақадар оқилона ва узоқни кўриб, тузилган қарор эканлигини жуда яққол кўрсатди. Шу даврда ичида темир йўлларда эксплуатация харажатлари соҳасида 3,7 миллиард сўмга яқин маблағ тежалди. Электровозлар ва тепловозлар хизмат қилаётган йўлларда фақат шу йилнинг ўзидагина паровозлар хизмат қилаётган йўлларидагига нисбатан 70 миллион тонна атрофида юш кўмир тежалада.

Халқ хўжалигида, дейди ўртоқ Бешчев, транспорт чиқимлари йилига 20 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни ташкил қилади, бинобарин, юк ташишни янада рационализациялаш ва ҳамма турлардаги транспортнинг ишларини бир-бирига мувофиқлаштиришни ташкил этиш масалалари катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган вазифадир. Бу ишда бутун чоралар билан тезроқ ҳал қилиш зарур бўлган бошқа муҳим масалалар ҳам бор. Масалан, янги магистрал трубопроводларни ишга туширишни анча орқада қолмоқда. Аммо, нефтни трубопроводлар орқали юборишнинг таннархи нефтни темир йўлларда ташиш таннархига қараганда икки-уч баравар арзонга тушади. СССР Госплани ва СССР Госэкономсовети трубопровод шохобчаларини тағин ҳам жадал ривожлантиришни нўзда тутишлари лозим.

Ватанимиз саноати, дейди нотиқ, темир йўлларга кўп миқдорда электровозлар, тепловозлар, электростанциялар етказиб бермоқда. Бироқ, янги конструкцияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва кўплаб ишлаб чиқариладиган даражага етказиш кўпинча узоқ вақтга чўзилиб кетмоқда. Шу сабабли, ишлаб чиқарилиши қимматга тушадиган локомотивлар ўз конструкциялари жиҳатидан баъзан фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларига жавоб беролмайдиган бўлиб қолмоқда.

Темир йўл транспорти, деб давом қилди ўртоқ Бешчев, металлни энг кўп истеъмол қилади. Йўлларни ремонт қилиш ва янги йўллар қуриш учунгина ҳар йил қарийб бир ярим миллион тонна рельс ётқизилади. Узоқ вақт бузилмайдиган ва узун рельслар ётқизишга ўтиш металлнинг нақадар кўп тежалишини таъминлашини исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шунга қарамай, транспортга ҳамма рельсларнинг ярмисини етказиб бераётган Кузнецк металлургия комбинати ва Дзержинский номидаги металлургия заводи калта рельслар ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда. Агар шу заводлар узун рельслар ишлаб чиқарганида эди, рельсларни бир-бирига туташтиришнинг ўзидагина йилига 20 минг тонна металлни тежаш мумкин бўлур эди, шу билан бирга, вагонларнинг ва паровозларнинг эскириши камайган бўлур эди, поездлар ҳаракатининг хавфсизлиги ошган ва эксплуатация харажатлари камайган бўлур эди. СССР Госплани нинг позициясига мутлақо тушуниб бўлмайди, у, заводларда узун рельслар ишлаб чиқариш тўғрисида партия ва ҳукуматнинг чиқарган бир қанча қарорларини бажариш ҳақида лозим бўлган даражада ғамхўрлик қилмаётир.

Сўнгра, ўртоқ Бешчев халқ хўжалигида синтетик материалларни кенг равишда ишлатиш зарурлиги ҳақида гапирди. Ҳозирги вақтда, деди у, мамлакатнинг темир йўлларида ҳар бири 14 килограммлик бўлган ва чўяндан ясалган тормоз колодкаларидан ҳар йил 30 миллионтаси сарф этилади. Аммо, пластмассадан ясалган колодканинг чўян колодкага нисбатан анча афзал эканлиги тажрибада исботланган. Пластмассадан ясалган колодкаларни ишлатиш йўли билан йилига темир йўлларда 300 минг тонна чўянни тежаш мумкин. Мана шунинг ўзидан ҳам, дейди нотиқ, пластмассадан колодкалар ишлаб чиқариш тўғрисида ҳукумат қарорларини мумкин қадар тезроқ бажаришнинг нақадар муҳимлиги кўриниб турибди.

Совет транспорти ходимлари, дейди ўртоқ Бешчев, Марказий Комитетнинг мана шу Пленуми қарорларига амал қилиб, халқ хўжалигининг юк ташиш соҳасида тобора кўпайиб бораётган эҳтиёжларини камроқ сарф билан тағин ҳам кўпроқ қондириш йўлида янада фидокорона меҳнат қиладилар ва шу тарика мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ вужудга келтиришга ёрдам берадилар.

КПСС Волгоград обкомининг биринчи секретари **А. М. Школьников** ўз нутқида айтдики, етти йилликнинг ўтган йилларида қилинган ишларнинг якунлари область саноати етти йиллик планда кўзда тутилган даражага бир йил олдин эришуви мумкинлигини кўрсатди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам тузук натижаларни қўлга киритдилар. Бу йил область совхозлари ва колхозлари дон экинларидан яхши ҳосил етиштириб, давлатга 214 миллион пуд дон сотдилар, яъни планда мўлжалланганига қараганда қарийб икки баравар кўп ғалла топширдилар. Бу йил область колхозлари ва совхозлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳамма турлари бўйича маҳсулот тайёрлаш планларини муваффақиятли бажарадилар.

Областнинг саноат корхоналарида, дейди ўртоқ Школьников, прогрессив технология процессларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Бироқ, янги техника ва такомиллашган технология биринчи галда асосий ишлаб чиқариш процессларида жорий қилинмоқда. Бунинг натижасида қўмакчи ишлаб чиқаришни техника билан таъминлаш орқада қолмоқда. Шу сабабли, бу ишларда ҳозир ҳам жуда кўп киши банд бўлиб турибди, уларнинг меҳнати эса, унчалик унумли бўлаётгани йўқ. Корхоналардаги қўмакчи участкалар меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнат сарфларини камайтириш учун аслини олганда ҳали қўл тегизилмаган соҳа деса бўлади.

Корхоналар қўмакчи ишларни комплекс механизациялашга етарли эътибор бермаётганлигига кўп жиҳатдан сабаб шуки, деди нотиқ, планлаштириш ва маҳсулотга қанча меҳнат сарфланишини ҳисобга олишнинг ҳозирги методикасида фақат асосий ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишчиларнинг сарфлаётган бевосита меҳнатигина эътиборга олинади.

Шу муносабат билан халқ хўжалиги кенгашининг ва саноат корхоналарининг ходимлари қўмакчи операцияларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сарфланаётган меҳнатнинг миқдорига киритишни ҳамда ҳам асосий ва ҳам қўмакчи ишларни ўз ичига оладиган бутун ишлаб чиқариш циклига киритишни, ягона комплекс технологик процесс вужудга келтирилишини таклиф қилмоқдалар. Бу таклифлар, дейди ўртоқ Школьников, машинасозларнинг бу йил Волгоградда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-техника конференциясида маъқулланди.

Волгоград области ривожланган саноат райони бўлиши билан бирга, йирик қишлоқ хўжалик районидир.

Бу етти йилликда, дейди ўртоқ Школьников, биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни анча кўпайтиришимиз керак. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотларини етиштириш соҳасида етти йилликнинг дастлабки тўрт йили учун белгиланган топшириқларни областимиз ошириб бажаради.

Область колхозлари ва совхозлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошириб, бу йил баҳорда экин майдонларининг структурасини тубдан қайта кўриб чиқдилар, ёзда шудгор қилиб қўйиладиган ва ўт экиб қўйилган майдонларни кескин камайтириб, экин майдонининг 660 минг гектар, шу жумладан дон экинлари экилган майдонни 625 минг гектар кўпайтирдилар. Шу туфайли область бу йил қўшимча равишда 55 миллион пудга яқин ғалла олишга муваффақ бўлди.

Кузги ғалла экинлари, айниқса буғдой экишни кенгайтириш Волга бўйи шароитида дон етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим манбаидир. Бир қанча йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, баъзан баҳори буғдойга қараганда кузги буғдойнинг ҳар гектаридан 4—7 центнер кўп ҳосил олиш мумкин. Бу йил кузги экинлар 1,3 миллион гектар ердан ўриб олинди. Эндиликда биз 1,7 миллион гектар ерга кузги экинлар экдик, янги йилда эса, кузги экин майдонини 2 миллион гектарга етказамиз.

Дон етиштиришни ҳамда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун областимиз колхозлари ва совхозларимизнинг катта резервлари бор. Улар, дейди ўртоқ Школьников сўзининг охирида, бу резервлардан фойдаланиш учун ҳамма чораларни кўрадилар. Лекин бунга тезроқ эришмоқ учун колхозлар ва совхозларга техника ёрдами бериш керак. Колхозлар ва совхозларга тракторлар ва ҳосилни йиғиб-териб оладиган машиналар билан яхшироқ таъминлаш масаласини ҳал қилиш зарур. СССР Госплани, дейди ўртоқ Школьников, плуглар, культиваторлар, лущильниклар ва дон сеялкалари сингари энг оддий, лекин жуда зарур қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни қисқартириб, хато қилди. Колхозлар ва совхозлар бундай машиналарга жуда муҳтождир.

Эрталабки мажлиснинг охирида СССР Министрлар Советининг Ўрмончилик, целлюлоза-қ о ғ о з, ёғочсозлик саноати ва ўрмон хўжалиги давлат комитетининг раиси **Г. М. Орлов** сўзга чиқди. Партия Марказий Комитетининг бу Пленуми ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклади, дейди у, бутун коммунистик қурилиш иши учун жуда катта тарихий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг ўрмончилик, целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик саноати ва ўрмончилик хўжалиги олдида, дейди нотиқ, катта вазифалар турибди. СССРнинг ўрмон хўжалигини бутун чоралар билан асраб, тайёрланаётган ёғочдан энг тўғри фойдаланишни таъминлаш асосий вазифадир.

Ўртоқ Орлов тайёрланган ёғочнинг жуда кўп миқдори ўтин тариқасида ишлатилаётганлигини ва тахта тилиш вақтида чиқит бўлиб кетаётганлигини кўрсатувчи рақамларни айтиб берди. Қилинган ҳисоблар шуни кўрсатадики, агар яқин беш йил ичида, энг кўпи ўн йил ичида шу чиқитларнинг л о а қал ярмидан фойдаланилса, шунинг ўзи халқ хўжалиги учун йилига 600 миллион сўмни тежайди. Шу хомашёдан фойдаланиш йўли билан целлюлоза-қоғоз саноатидаги ишлаб чиқариш ҳажмини ҳозирги вақтдагига нисбатан олти баравар кўпайтириш мумкин бўлур эди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг махсус қарорида, дейди нотиқ, иш унуми юксак ва уникал, машина-ускуналардан анчагина миқдорда чет мамлакатлардан сотиб олиш кўзда тутилган. Шу машина-ускуналарнинг анчагина қисми ҳозир қўлимизда турибди. Буларни тезроқ ўрнатиш мамлакатимизда қудратли целлюлоза-қоғоз саноати вужудга келтиришга имкон беради.

Шу муносабат билан ўртоқ Орлов целлюлоза-қоғоз корхоналарини қуришни жадаллаштириш зарурлигини айтиб ўтди. Бир қанча халқ хўжалиги кенгашлари, шу жумладан Архангельск, Карелия ва айниқса Пермь халқ хўжалиги кенгашлари бу корхоналарни жуда ёмон қурмоқдалар. Жаҳонда энг катта бўлган ва жуда пишиқ корд ишлаб чиқариш учун йилига 200 минг тонна юқори сифатли целлюлоза ишлаб чиқариши лозим бўлган Братск ўрмончилик саноат комплексини қуриш ишлари йўл қўймаслик даражада ёмон олиб борилмоқда. Маълумки, шина саноати учун юқори чидамли корд жуда ҳам зарур.

Сўнгра, нотиқ мебель ишлаб чиқаришдаги камчиликларни айтиб ўтди. Завод конструкторлик бюроларини ҳисобга олмаганда, ҳозирги вақтда 40 та ташкилот мебеллар лойиҳасини тузиш билан шуғулланмоқда. Бу аҳволни тубдан ўзгартириш ва мебелларнинг лойиҳаларини тузишни давлат комитетига бўйсундирилган йирик конструкторлик бюроларида бирлаштириш пайти келди. Шунингдек, мебель фабрикаларини ихтисослаштириш соҳасида ҳам, дейди ўртоқ Орлов, катта ишлар қилиш зарур.

Пировардида ўртоқ Орлов айтдики, давлат комитети ходимлари ўрмончилик, қоғоз ва ёғочсозлик саноатида техника тараққиётини юксалтириш учун бутун кучларини сарфлайдилар, коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

* * *

Эрталабки мажлиснинг охирида КПСС Марказий Комитети Пленуми Пленум резолюциясини тайёрлаш учун комиссия сайлади. Комиссия раислигига ўртоқ Н. С. Хрушчев сайланди.

* * *

Пленумнинг 21 ноябрь кечки мажлисида биринчи бўлиб сўзга чиққан Тожикистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ж. Расулов** таъкидлайдики, Н. С. Хрушчев докладида баён қилинган тадбирларнинг асосий мақсади мамлакат экономикасига раҳбарлик учун партия органларининг ролини ва масъулиятини оширишдан, фойдаланилмаётган ҳамма резервлар ва имкониятларни коммунизм қуриш иши хизматига қўйишдан иборатдир. Бизда эса, резервлар жуда кўп.

Масалан, Ўрта Осиё иқтисодий районини олиб кўрайлик, дейди нотиқ. Н. С. Хрушчевнинг жуда яхши таъбири билан айтганда, бу сермаҳсул ўлка ҳақиқатан ҳам олтин ўлка бўлиб қолиши мумкин. Бироқ, ўлка бойликларидан суст фойдаланилмоқда. Бу муҳим вазифанинг ҳал этилишига ҳар бир республика экономикасининг бирмунча алоҳида тарзда ривожланаётганлиги, кўпгина муҳим ва принципиал масалаларнинг тор идоралик манфаатларини кўзлаб ҳал этилаётганлиги, ҳар бир республиканинг, ўртоқ Н. С. Хрушчев айтганидек, кичкина, ёмон бўлса ҳам, ўз корхонасига эга бўлишга интилаётганлиги кўп жиҳатдан халақит бериб келмоқда.

Шу сабабли, Н. С. Хрушчев, бутун Ўрта Осиё иқтисодий райони учун ягона халқ хўжалиги кенгаши тузишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида гапирганида, минг марта ҳақлидир, дейди ўртоқ Расулов. Бу ғоя бизда ўтказилган республика партия активи йиғилишида якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Ўрта Осиё пахтачилик ишлаб чиқариш бош бошқармасини, ирригация ва совхозлар қурилиши бўйича бошқармани ва Средазстройни тузиш ҳақидаги таклифлар ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга муносибдир.

Сўнгра, ўртоқ Расулов айтадики, Ўрта Осиёдаги барча республикаларда, шу жумладан Тожикистонда ҳам, ҳозирги вақтда бир неча камқувват илмий тадқиқот муассасалари бор. Буларнинг ҳаммаси одатда, ҳатто, тадқиқот натижаларини ўзаро алмашмаган ҳолда бир хил масалаларни ҳал этиш устида ишламоқдалар. Илмий кучларнинг бундай тарқоқлиги ва бир-бири билан алоқа боғламаганлиги халқ маблағларининг ортиқча сарфланишига олиб келмоқда, фаннинг ривожланишига халақит бермоқда, кўпгина муҳим илмий проблемаларни сифатли ҳал этиш имкониятини бермаётир.

Шу муносабат билан қишлоқ хўжалик фанини марказлаштириш ҳақидаги, жойларда кўпгина экспериментал пунктлари бўлган ягона илмий марказни вужудга келтириш ҳақидаги таклиф мутлақо тўғри, ўз вақтида қўйилган таклифдир ва биз бу таклифни батамом қўллаб-қувватлай м и з, дейди нотиқ.

Ўртоқ Расулов, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюросини тузиш ҳақидаги таклифи қўллаб-қувватлайди. Ўрта Осиё бюроси бутун иқтисодий районнинг жуда бой ресурсларидан комплекс фойдаланишни ташкил этишда катта роль ўйнайди.

Тожикистон, деб давом этади ўртоқ Расулов, потенциал гидроэнергетика ресурслари бўлиши жиҳатидан Иттифоқда иккинчи ўринни эгаллайди. Панж ва Вахш дарёларида йирик сув омборлари қуриш билан бир вақтда умумий қуввати тахминан 25 миллион киловатт бўлган гидроэлектростанциялар каскадларини барпо этиш мумкин. Панж дарёсида ҳажми 28 миллиард кубометр бўлган сув омбори билан бирга 5 миллион киловаттдан кўпроқ қувват берадиган биргина Даштижум гидроэнергетика узелининг қурилиши Амударё ҳавзасининг жанубий қисмида уч миллион гектарга яқин серҳосил ерларни суғориш имкониятини беради. Аслида бу ерда мамлакатда энг йирик бўлган янги пахтакор район вужудга келтириш мумкин. Тожикистонда химия саноатини, рангли ва қора металлургияни, газ ва нефть саноатини ривожлантириш учун бой хом ашё запаслари бор. Шу муносабат билан нотиқ СССР Госпланидан Тожикистон электрохимия комбинати қурилишининг лойиҳа топшириғини тузишни ҳамда Нурек ГЭС энергетика базасида алюминий заводини лойиҳалаш ишларини жадаллаштиришни сўрайди.

Сўнгра, ўртоқ Расулов бундай деди: Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган ўз мактубида пухта ўйлаб ва ишни билиб якун ясаш, ҳар бир хўжалик ишини танқидий нуқтаи назардан анализ қилиб чиқиш, резервларни аниқлаш ва бундан буёнги марраларни белгилаб олиш зарурлигига бизнинг эътиборимизни жуда тўғри жалб қилди. Ҳозир Тожикистон Компартиясининг Марказий Комитети бунга тайёргарлик ишларини ўтказмоқда.

Республика саноати йилнинг 11 ойлик программасини муддатидан илгари бажармоқда. Лекин биз яхши тушунамизки, деди ўртоқ Расулов, бу муваффақиятлар билан биз хотиржам бўлиб қолмаслигимиз керак, чунки кўпгина корхоналар ҳали ҳам ёмон ишламоқда.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

„СОВЕТ ИТТИФОҚИ—ҚИММАТЛИ ТАЖРИБА ХАЗИНАСИ"

**КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турган

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Республика пахтакорлари учун бу йил ноқулай келди. Бироқ, обҳаво туфайли вужудга келган қийинчиликлар кишиларнинг фидокорона меҳнати билан муайян даражада бартараф этилди. Республика далаларида пахта тайёрлаш давлат планининг бажарилишини таъминлайдиган ҳосил етиштирилди. Лекин пахта териш ва топшириш ҳали ҳам қониқарсиз бормоқда. Республика пахтакорлари, барча меҳнаткашлари, партия ташкилоти ноябрь ва декабрь ойлари мобайнида етиштирилган пахта ҳосилининг охирги кўсагигача териб олиш ва уни давлатга сотиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Ростов областидаги «Пролетарская диктатура» совхозининг чўчқабоқари **Г. П. Плотников** номи яқиндагина бутун мамлакатга маълум бўлди. Газеталар ўртоқ Н. С. Хрушчев уни ўр меҳнат ғалабаси билан самимий табриклаганлигини хабар қилдилар: ўртоқ Плотников ўн ой мобайнида умумий вазни 4.272 центнер бўлган 3.734 чўчқани боқиб семиртирди. Ҳозир эса, бу камтар меҳнаткаш Пленум минбаридан туриб ўз меҳнатига юксак баҳо берилганлиги учун партия Марказий Комитетига, Н. С. Хрушчевга чин қалбидан ташаккур айтмоқда.

Г. П. Плотников айтадики, чўчқаларни боқиб семиртириш билан бир вақтда юз гектар майдонда силос учун маккажўхори етиштирди ва ҳар бир гектар ердан 200 центнердан кўпроқ йиғиб олди. Ўзида етиштирилган арзон озуқа туфайли чўчқани бир центнер семиртириш таннархи пландаги 33 сўм 93 тийин ўрнига 22 сўм 60 тийинга тушди. Семиртиришнинг ҳар бир килограмми учун сарфланган озуқа олти озуқа бирлигидан ошмайди.

Мен бундай натижаларга қандай эришганимни айтиб беришга руҳсат этгайсиз, дейди чўчқа боқувчи. 1961 йилгача мен трактورчи бўлиб ишладим, маккажўхори етиштирдим. Мен ишлайдиган ер чўчқа фермасига яқин жойда эди. Мен етти аёл чўчқаларни қўл кучи билан парвариш қилаётганликларини, уч эркак эса озуқа ташиб келтираётганликларини тез-тез кўриб турар эдим. Мен уларнинг оғир қўл меҳнатини механизмлар билан қандай қилиб алмаштириш ҳақида пухта ўйлаб олдим ва бу ишга киришдим. Даставвал, ҳамма катакларни бирлаштирдик, группа автопоилкалари ўрнатдик, озуқаларни тақсимлаш учун механизациялаштирилган тележка ясадик. Гўнгни бульдозер ёрдами билан тозалай бошладик. Ана шундай механизациялаш туфайли ўтган йили мен умумий вазни 4.145 центнер бўлган 4.609 чўчқани боқиб семиртирдим ва давлатга топширдим ҳамда 63 гектар майдонда маккажўхори етиштирдим. Илгари чўчқачилик фермаси совхозга зарар келтирар эди, биз чўчқаларни катта группалар қилиб боқишга ўтганимиздан кейин бу ферма фойда бера бошлади.

Бу йил, деб давом этади ўртоқ Плотников, биз қўшимча механизацияни жорий қилдик: бинони гўнгдан тозалаш учун транспортер, қуруқ хашакларни етказиб бериш учун транспортёр ўрнатдик, концентрация қилинган озуқаларнинг силос пастаси билан аралашмасини таксимлашни механизациялаштирдик, бинони ювиш учун водопровод қурдик.

Чорвачиликда тракторни, бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини, электр моторларни биладиган ва уларни ишлата оладиган, чўчқаларни яхши боқиб семиртира оладиган ва улар учун озуқа етиштира оладиган кишилар ишлаши лозим бўлган пайт келди. Бу ишларнинг ҳаммасини қилиш мумкинлигига мен ўз тажрибамда ишонч ҳосил қилдим. Фақат хоҳиш-иштиёқ ва албатта механизмлар керак. Кўпгина кишилар келиб, менинг қандай ишлаётганлигим билан қизиқмоқдалар ва бундай ишлаш мумкин эмас, деб айтмоқдалар. Менинг фикримча бу кишилар эски эътиқодли кишилар бўлиб, янгиликка ишонмайдилар, механизация кучига ишонмайдилар. Агар ҳамма иш пухта ва техникадан фойдаланиб бажарилса, икки киши ўзи етиштирган озуқа билан беш минг чўчқани бемалол боқиб семиртира олади. Ишни севиш ва топширилган иш учун жавобгар бўлиш керак.

Ўртоқ Плотников ўз нутқининг охирида бундай деди: Менга ушбу Пленум иштирокчиси бўлишдек юксак шараф кўрсатилганлиги учун, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳақида кўрсатилаётган катта ғамхўрлик учун партиямиз Марказий Комитетига ва шахсан Сизга, Никита Сергеевич, чин кўнгилдан ташаккур айтишга рухсат этгайсиз. Совхозимиз бутун коллективининг топшириғига биноан, сизларни ишонтириб айтишга руҳсат этгайсизки, биз қишлоқ хўжалигининг ҳамма маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун меҳнат соҳасида куч-ғайратимизни аямаймиз.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Я. Н. Заробян** сўзга чиқади. Коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда мамлакатимиз ҳаёти, дейди у, барқ уриб ривожланмоқда. тўхтовсиз олға бормоқда. Батамом табиий ва қонуний-дирки, раҳбарликнинг ташкилий формалари ҳам бир жойда қотиб қолмаслиги, янги вазифалардан орқада қолмаслиги керак.

Кўзда тутилаётган ташкилий қайта қуриш КПСС XXII съезди қарорларини амалга оширишдан иборатдир. Съезд мамлакатимиз экономикасига раҳбарликни янада яхшилашни биринчи навбатдаги вазифалардан бири сифатида майдонга қўйган эди.

Ўртоқ Заробян саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигининг янги ташкилий структураси ҳақидаги таклифни қизғин қўллаб-қувватлайди ҳамда Арманистон экономикаси фани ва маданиятини ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятлар тўғрисида гапириб беради.

Саноат ходимлари 1962 йилнинг 10 ойида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 103 процент бажардилар. Корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди.

КПСС XXII съездидан кейин ўтган давр ичида республикада 15 янги саноат корхонаси ва 20 йирик цех фойдаланишга топширилди. Мамлакат улкан химиясининг энг муҳим корхоналаридан бири — Кировакан сунъий тола заводи ишга туширилди. Йил охиригача ацетилцеллюлоза ишлаб чиқариш комплекси фойдаланишга топширилади.

Нотиқ айтадики, етти йиллик мобайнида Арманистонда химия саноати, рангли металлургия, машинасозлик ва асбобсозлик айниқса тез ривожлана бошлади.

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам КПСС XXII съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Соҳибкорлар айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йил 135 минг тонна узум тайёрланди, бу эса, кўзда тутилган планнинг 129 процентини ташкил қилади. Колхозлар ва совхозлар давлатга қанд лавлаги топшириш планини ҳам бажардилар.

Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги органлари колхозлар ва совхозлар экономикасини ривожлантиришда катта роль ўйнади. Қишлоқ хўжалигининг энг яхши мутахассис кадрлари ва ташкилотчилари тўпланган ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармалари биринчи синовдан муваффақиятли ўтдилар.

Шу билан бирга, нотиқ республика саноати ишида ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам ҳали жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаётган резервлар борлигини айтади. Ўтказилаётган ташкилотчилик ишларининг савияси партия XXII съезди талабларига жавоб бермаётир.

Арманистонда ҳам анча даражада ривожланган электротехника саноати халқ хўжалигининг мамлакатни электрлаштиришни таъминловчи энг муҳим тармоқларидан биридир. Бу тармоқ электр энергияси ишлаб чиқаришнинг янги принциплари билан, юксак кучланиш техникаси, силовой ярим ўтказгичли аппаратлар билан, нур техникаси ва кабель техникаси билан боғлиқ бўлган илмий, лойиҳалаш конструкторлик, технология ишларининг ўзига хос хусусиятларига эгадир.

Бу масалалар билан халқ хўжалиги кенгашларида ҳам, Иттифоқ ва республикалардаги фанлар академияларида ҳам илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари алоҳида-алоҳида шуғулланмоқдалар, бу эса, саноатнинг ана шу тармоғида техниканинг тегишли даражада тараққий этишини таъминламаётир.

Нотиқ таъкидлайдики, электротехника бўйича давлат комитетини тузиш, Закавказье республикалари экономикасини янада жадалроқ ривожлантиришни таъминлаш учун ишлаб чиқариш, илмий ва бошқа имкониятларни яхшироқ координация қилиш, бирлаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, зарурати туғилиб қолди.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши, деб давом этади ўртоқ Заробян, катта иқтисодий самарагина бериб қолмасдан, сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш натижасида қўлга киритилган энг муҳим ғалабалардан бири бўлган халқлар дўстлиги коммунизм қуриш учун курашимизнинг энг асосий сферасида — моддий ишлаб чиқариш сферасида янада мустаҳкамланади ва ривож топади.

Ўртоқ Заробян ўз нутқининг охирида бундай деди: Саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида партия раҳбарлигини яхшилаш масалаларининг Пленумга қўйилиши ва муҳокама этилиши партиямиз Марказий Комитети мамлакатнинг кундалик ҳаёти билан нақадар мустаҳкам боғланганлигини, у, тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида марксизм-ленинизм таълимотини ижодий тарзда татбиқ қилиб, совет кишиларини янгидан-янги катта ишларга отлантираётганлигини, партия ва халқнинг куч-ғайратини коммунистик қурилишнинг асосий вазифаларини яна бир марта кўрсатмоқда.

КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари **Л. Н. Ефремовга** сўз берилади.

Партиянинг ленинча йўли, дейди ўртоқ Ефремов, Ватанимизга бой самаралар бағишламоқда. Горький областида саноат ва қурилишни бошқаришнинг қайта қурилганидан кейин саноат маҳсулотининг ҳар йилги ўсиши бир ярим баравар ортди. Етти йиллик бошланганидан бери саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми контроль рақамларда кўрсатилган 33 процент ўрнига 40 процент ўсди. Областнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йилги об-ҳаво шароитининг ноқулай бўлишига қарамасдан, дон етиштириш ва харид қилишни кўпайтирдилар, галга тайёрлаш планини ошириб бажардилар, ўзларини ўзлари етиштирган уруғлик билан таъминладилар. Гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ва харид қилиш кўпайди.

Халқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида КПСС Программасида олға сурилган улуғ вазифалар, деб таъкидлайди нотиқ, ҳар бир партия ташкилоти олдига мислсиз юксак талаблар қўяди, партия раҳбарлигини янада юксакроқ даражага кўтариш вазифасини юклайди. Раҳбар партия органларининг Н. С. Хрушчев таклиф қилган ва ишлаб чиқариш принципларига асосланган янги ташкилий структураси партия ташкилотларининг кучини асосий вазифаларни ҳал этишга тўплаш, экономиканинг ҳамма тармоқларига конкретроқ ва планли тарзда, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш имкониятини беради.

Ўртоқ Ефремов илмий тадқиқот ва лойиҳалаш — конструкторлик ташкилотларига раҳбарликни тармоқ комитетларида тўплаш зарурлигини кўрсатади, бу эса халқ хўжалигида фан ва техника муваффақиятларидан яхшироқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кенг қўламда ривожлантириш имкониятини беради. Заволжьеда қурилаётган автомобиль двигателлари заводи мисолида, дейди нотиқ, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш нақадар катта резервлар очиб берганлигини кўриш мумкин. Бу корхона ҳозироқ ўн мингларча двигателларни ишлаб чиқармоқда, қурилиш тугаллангандан кейин эса, беш баравар кўпроқ двигатель берадиган бўлади.

Корхоналар фаолиятидаги масалаларни ҳал этишда ишчилар ва хизматчилар коллективларининг ролини янада ошириш тўғрисида гапириб, ўртоқ Ефремов Горький областининг завод ва фабрикаларида ҳозир жамоатчилик асосида тузилган 650 конструкторлик бюролари ва иқтисодий анализ группалари, техника тараққиётига ёрдам берувчи 950 комиссия ишлаётганлигини айтади. Етти йиллик бошланганидан бери жамоатчилик, рационализаторлар ва ихтирочиларнинг бевосита иштироки билан область корхоналарида 830 дан ортиқ қимматли таклифлар жорий қилинди, бу эса 60 миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий самара берди.

Корхоналарда ишлаб чиқариш, завод, фабрика комитетлари ва йирик корхоналарда цех комитетлари сингари кенг ваколатли органларнинг тузилиши ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасида жамоатчиликнинг ролини янада оширади.

Контролнинг ленинча принциплари тикланиши, партия ва давлат контроль органларининг партия Марказий Комитети ва ҳукумат раҳбарлиги остида кенг меҳнаткашлар оммасининг актив иштироки билан ишлайдиган ягона ташкилотга бирлашуви коммунистик жамият қуриш вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

Горький партия ташкилотининг коммунистлари Марказий Комитет Пленумининг қарорларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма чораларни кўрадилар ва коммунизмнинг моддий техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшадилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти **М. В. Келдиш** ўз нутқида фанни ривожлантиришнинг халқ хўжалигини ривожлантириш учун ҳозирги вақтда кардинал аҳамиятга эга бўлган баъзи масалаларига тўхталиб ўтади. Ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг базаси бўлган учта тармоқ бор, дейди у, бу — энергетика, бу — рационал материаллар ва асосий моддалар, бу — ишлаб чиқариш процессларини ўлчаш, контрол қилиш ва бошқариш методлари ва воситаларидир. Ана шу тармоқларнинг ҳар биридаги прогресс ҳозирги замон фани муваффақиятларидан фойдаланиш билан боғлиқдир.

Энергетика установкаларининг бир галги қувватини кескин ошириш ҳамда иш процессларининг юксакроқ параметрларига ўтиш — ҳозирги замон энергетикасини ривожлантириш тенденцияс и д и р. Бунинг учун янги конструкция материалларидан фойдал а н и ш, юксак ҳарорат шароитида, механик кучланишлар ва вибрация шароитида материалларнинг мустаҳкамлиги назариясини ривожлантириш, буғ ва газ турбиналари элементларини совутиш методларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Ўзгарувчан ва доимий токни ўтказувчи жуда қувватли электр симларини яратишга боғлиқ масалаларнинг бутун комплексини ҳал этиш керак бўлади.

Энергияни ўзгартиришнинг янги методларини жорий қилишдан жуда катта самара кутиш мумкин. Бу соҳада ҳозир катта ишлар олиб борилмоқда. Иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантиришнинг магнитогидродинамик методи соҳасида ўтказилган тадқиқотлар асосида яқин йиллар ичидаёқ бир неча ўн минг киловатт қувватга эга бўлган тажриба-саноат установкаси яратилади. Бу метод электр энергияси олишнинг мавжуд методлари билан қўшиб фойдаланилганда тепловой электростанцияларнинг умумий фойдали иш коэффициентини 37—40 процентдан 50—60 процентга ошириш имкониятини беради.

Энергетик ядро реакторлари ва хусусан тез ҳаракат қиладиган нейтронлар билан ишлайдиган реакторларни тадқиқ қилиш ва яратиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Физикларимизнинг фикрича, дейди президент, бу вазифанинг ҳал этилиши ядро энергиясидан кенг фойдаланишни таъминлайди. Ядро энергиясидан фойдаланиш зарурати эса, ҳозироқ мамлакатимизнинг бир канча узоқ районлари учун равшан бўлиб қолди.

Фан ҳамда янги материаллар ва янги элементлар саноати тараққиётининг юксак даражаси ҳар қандай соҳани муваффақиятли ривожлантиришнинг гаровидир, деб давом этади академик Келдиш. Янги юксак сифатли материаллар ва элементлар яратиш имконияти даставвал қаттиқ жисм химияси ва физикасининг муваффақиятлари билан белгиланади.

Ярим ўтказгичли приборларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш электроника соҳасида техника революцияси бўлди. Квант қучайтиргичлари ҳамда микротўлқинлар ва ёруғлик нури генераторларидан фойдаланиш ҳам техниканинг турли соҳаларида бундан қолишмайдиган революцион ўзгариш ясаса керак.

Химия саноатини ривожлантириш масалалари ҳақида тўхталиб, Фанлар академиясининг президенти айтадики, кейинги йилларда ҳароратга чидами, оширилган, диэлектрик характеристикага ва бошқа қимматли хусусиятларга эга бўлган кўпгина янги полимер моддалар синтез қилинди, шунингдек бундай моддаларни олишнинг янги усуллари таклиф этилди. Полимер материаллар соҳасидаги муваффақиятлар металлар ва полимерлар ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги нисбатни тобора кўпроқ ўзгартириши керак.

Партия Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш соҳасида химиянинг муҳим роль ўйнашини таъкидлаб кўрсатди. Президент айтадики, ҳозир академия янги самарали ўғитлар, гербицидлар, заҳарли химикатлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ўсишига таъсир кўрсатувчи стимуляторлар ҳамда қишлоқ хўжалиги учун бошқа хил химиявий воситалар қидириб топиш ва синаш соҳасидаги ишларни юксалтириш учун кескин чоралар кўрмоқда. Ферментлар, витаминлар, гормонлар, озуқа ачитқилари, аминокислоталар бактериал ўғит олиш сингари ишлаб чиқаришларни бирлаштирадиган махсус микробиология саноатини тузиш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Сўнгра ўртоқ Келдиш айтадики, ярим ўтказгич материаллар, квант генераторлари учун кристаллар, кўпгина синтетик полимер материаллар ишлаб чиқариш учун ниҳоятда соф ҳом ашё моддалари талаб қилинади. Таркибида кўпи билан миллиарддан бир ҳисса процент аралашма бўлган ўта соф моддалар ишлаб чиқариш шундай бир илмий проблема бўлиб қолдики, у моддаларни тозалаш методлари, уларни анализ қилиш, софликни контроль қилиш сингари масалаларни ўз ичига олади. Бу эса, физика ва химиянинг энг нозик методларидан: оптик, электрон ва радиоактивацион методлардан фойдаланишни талаб қилади. Бу нарса приборлар ҳозирги замон саноати учун қандай аҳамиятга эга эканлигини кўрсатувчи мисоллардан биргинасидир. Контроль технологиянинг таркибий қисми ва автоматизация асосларидан бири бўлиб қолмоқда. Приборсозлик саноатини ривожлантиришга энг жиддий эътибор берилиши ҳамда тармоқ давлат комитетлари системасида унинг ўрни аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Фанни ривожлантириш соҳасида, автоматизация соҳасида, ишлаб чиқаришни ва тез рўй берувчи процессларни бошқариш масалалари соҳасида электрон машиналар тобора каттароқ роль ўйнамоқда. Электрон машиналар кенг қўлланилиши керак бўлган, лекин ҳали тегишли даражада кенг қўлланилмаётган энг муҳим соҳалардан бири халқ хўжалигидаги учет ва планлаштириш сферасидир. Президент айтадики, ҳозирги вақтда мамлакатимизда фақат учёт, планлаштириш, контроль ва иш юргизиш билан 4 миллиондан кўпроқ киши шуғулланмоқда. Автоматизациянинг замонавий воситаларидан кенг фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан кенг тадбирлар амалга оширилмаса, бу рақам бундан буён ҳам ошиб бораверади, учёт ва контроль сферасида ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш ходимлар сонини камайтириш имкониятинигина бериб қолмасдан, ишлаб чиқаришдаги харажатларни анча қисқартиришни, учетни яхшилашни таъминлайди.

Мазкур Пленумга коммунизмнинг моддий техника базасини яратишнинг партия белгилаган улуғвор вазифаларини бажаришга оид масалалар қўйилгандир, дейди ўз нутқининг охирида М. В. Келдиш. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва фанга раҳбарликни яхшилаш — илмий тадқиқотларни практикага, халқ хўжалиги талабларига максимал даражада яқинлаштириш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлади.

Пленумнинг кечки мажлиси Эстония ССР Министрлар Советининг раиси **В. И. Клаусон** нутқи билан тугади. Никита Сергеевич Хрушчевнинг докладида, деди у, мамлакатимизнинг коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврига кириши ва ишлаб чиқариш кучларининг тез ривожланиши халқ хўжалигида раҳбарликнинг ташкилий формаларига тегишли ўзгартишлар киритишни албатта талаб қилажаги ниҳоятда равшан кўрсатиб берилгандир. Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиб кетган даражаси билан саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг эскириб қолган формалари ўртасида вужудга келган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш — Коммунистик партиянинг, унинг ленинчи Марказий Комитетининг буюк хизмати бўлди. Чинакам революцион тадбир бўлган қайта ташкил қилишнинг ўтказилиши нақадар катта афзалликларга эга эканлиги ҳозир ҳар бир кишига равшан кўринибгина турибди.

Бу қонидан нотиқ Эстония халқ хўжалиги кенгашининг беш йиллик иш якунлари билан исботлаб берди. Эстония халқ хўжалиги кенгаши ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қарийб 1,8 баравар ўсишини таъминлади. Саноатнинг маҳаллий табиий ресурсларга асосланувчи айрим тармоқларини жадал ривожлантиришга эришилди.

Республикада корхоналар ихтисослаштирилди, саноат концентрация қилинди. 200 дан ортиқ майда корхоналар хилига қараб 97 йирикроқ корхоналарга бирлаштирилди. Ана шу ва бошқа тадбирлар етти йиллик планда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни контроль рақамда кўзда тутилган 1,8 баравар ўрнига деярли 2 баравар оширишни мўлжаллаш имконини берди.

Сўнгра ўртоқ Клаусон айтадики ўтган ёз фасли об-ҳаво шароити жиҳатидан республика қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда оғир келди. Деярли бутун ҳосил нобуд бўлиш хавфи остида қолган эди. Эски, буржуа Эстониясида ёзнинг бундай келиши албатта очарчилик келтириб чиқарган бўлур эди. Биз ҳар ҳолда ҳосилни сақлаб қола олдик, дейди нотиқ, ва ҳатто гектаридан ўрта ҳисобда 12 центнердан дон олдик. Ҳосилни сақлаб қолишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги органлари ҳал қилувчи ролни ўйнадилар.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг халқ хўжалигига партия раҳбарлигини ишлаб чиқариш принциплари асосида қайта қуриш тўғрисида Н. С. Хрушчев ташаббуси билан ишлаб чиқилган таклифларини, дейди нотиқ, Эстония Коммунистик партиясининг Марказий Комитети тўла қўллаб-қувватлайди.

Биз ишонамизки, дейди ўртоқ Клаусон, мазкур Пленум республикамиздаги барча меҳнаткашлар ташаббусини янги куч билан ошириб юборади. КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтамизки, Эстония партия ташкилоти Пленум қарорларини бажариш учун, халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг қайта қурилиши мамлакатимизнинг коммунизм қурилиши йўлидан янада тезроқ олға боришига олиб келмоғи учун ҳамма чораларни кўради. (ТАСС).

„ПОК МУҲАББАТ МУКОФОТИ“

Сафия НОСИРОВА

ҲИКОЯ

□ □ □

Салом Воҳид! Мени кечир, сенга озор берямман. Сен билан юзма-юз ўтириб юрагимдаги ғуборни чиқаришни хоҳлайману, касалхонага киришга рухсат беришмайди.

Мактубни илтимос билан сингилим орқали юборишга мажбур бўлдим.

Мактубни ёзаяпман-у, кўз олдимда ўтган воқеалар гавдаланяпти.

Ўтган лавҳалар ҳақида фикр юритдим-у... Яна мени титроқ босабошлади, дилимга нимадир озор берди. Эй Воҳид, виждонимнинг софлигига ғуборим бор эди, ишонмадинг.

Уят, мен Мавзунани дўст тутдим. Аммо уни менинг дилимдан бошқаси билмайди.

... Хотиримда, сентябрь ойининг охирги кунлари эди. Қуёш нурлари туман пардаси орқасидан арғувон рангидек товланарди. Саҳарги шабнам гул барглари юзига марварид доналарини сепган эди. Хаёлимдан ўтди, дилим тутён кўтарди.

Шу куни Мавзуна олдимга келиб, форс тилини ўрганиш истагини айтди. Андишага бордим-у, ноилождан:

— Хайр, бўлмаса эртага келинг, — дедим.

Шу куни чексиз хаёл денгизига шўнғидим. Қалбим бўлар-бўлмаса завқланабошлади. Шу вақтда ётоқхонамизга бордим, столнинг устида унинг расмини кўрдим. Яна ихтиёр қўлимдан кетди. Бошимни бойлаб, ички либосим билан кўрпага буркандим. «Нахотки уни дўст тутган бўлсам!» дедим ўзимга-ўзим. — Энг яқин дўстимнинг севгилисини-я? — Йўқ, йўқ. Ҳеҳ қачон!

... Яна бирқанча хаёллар билан кечани ўтказдим.

Вужудим ёнар эди. Кундан-кунга заифлаша бошладим, аммо кишилар олдида ўзимни тетик тутдим, сир бой бермадим.

Орадан 3 йил ўтди. Сизлар уйландингизлар. Бу орада ораларингизда кўп гаплар бўлиб ўтди. Қанча азоб кечирдинг, ҳаммасидан хабардор бўлиб турдим. Гоҳида ундан тамоман умидингни уздинг, маюсланиб мендан маслаҳат сўрадинг, имконим борича сенга ҳамдард бўлдим. Гоҳо хурсандчиликдан айтар эдинг: «Кел, Жалил, уйга борайлик, «юзта-юзта отайлик». Сенинг учун борар эдим.

Аммо бу кейинги ҳодисалар мени ҳайратда қолдирди...

Мавзуна туғилган кунига 22 йил тўлиши муносабати билан зиёфат бердинг. Мен ҳам айтишингча, «азизроқ меҳмонинг» эдим. Зиёфат қизиб кетди. Қадаҳлар бўшамади, унинг овози саломатлик учун, бахтиёрлик учун, деган сўзлар билан қўшилиб жаранглаб эшитилиб турди. Мавзуна саҳар гули сингари очилиб лабларидан табассум аримас эди. Дўстларнинг табрик ва таҳсинлари унинг юзига ёғиларди. Мен ҳам беҳад шодлигимдан шундай муаллим каби шогирдим ишига равнақ, ҳаётига саодат, бахтига фарзанд орзу қилдим. Ўрнимдан туриб, ҳар иккоинизга бахт тиладим ва Мавзунанинг пешанасидан ўртоқларча бўса олдим. Сенга қўлимни узатдим, олмадинг, муносиб кўрмадинг. Юзинг қоронғилашди-ю, гўёки чаман гулга чанг сепдинг, унинг лоладек қизариб турган юзига тарсаки уришни муносиб кўрдинг.

Дўстлик зиёфати айни қизиган пайтда бирдан кўпирган сутдек қайнашидан тўхтади. Шодлик ўрнини ғазаб ва нафрат эгаллади. Қилган ишимдан пушаймон бўлиб ётоқхонамга йўл олдим. Шу куни эрталаб билдим, сен ўзингча бу «иснод»га тоқат қилолмай масллик билан ўзингга пичоқ урибсан ва мана касалхонада ҳозиргача ўлим билан олишиб ётибсан.

Нима иш қилиб қўйдинг, Воҳид! Нахотки пок дўстона муҳаббатга мукофот шу бўлса?!

Тожикчадан **Ю. Маҳкамов** таржимаси.

Халқаро аҳвол

ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН

ЛОНДОН, 21 ноябрь. (ТАСС). Англия матбуоти КПСС Марказий Комитети Пленумининг ишини зўр қизиқиш ва эътибор билан кузатмоқда. Газеталар кечагидек, ўз саҳифаларида Н. С. Хрушчев докладига кўп ўрин бермоқдалар.

Кўпчилик обзорчилар КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари докладида илгари сурилган таклифлар кенг қўллаб-қувватланаётганлигини ва маъқулланаётганлигини таъкидлайдилар. «Таймс» газетаси кечаги мажлис ҳақидаги ҳисоботда қуйидагиларни ёзади: «Нотиқлар кетма-кет минбарга чиқиб, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида Хрушчев жанобларининг планларини табрикладилар». «Гардиан» газетаси ва бошқа бир қанча газеталар ҳам Пленум ишини худди шу руҳда тасвирлайдилар.

«Дейли уоркер» газетасининг Москвадаги мухбири бундай деб ёзади: Таклиф қилинган тадбирлар саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам партиянинг доимий раҳбарлигини таъминлайди; бу тадбирлар илгариги территориал партия комитетлари учун раҳбар кадрлар танлашда шу вақтгача мавжуд бўлиб келган қийинчиликларни ҳам бартараф қилади.

Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДИНИНГ ТЕКСТИ ГДРда ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

БЕРЛИН, 21 ноябрь. (ТАСС). Бугун «Нейес Дейчланд» газетаси ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумида 1962 йил 19 ноябрда қилган докладининг тўла текстини босиб чиқарди.

Газета Пленумда Н. С. Хрушчев докладининг муҳокамаси бошланганлиги ҳақидаги ҳисоботни ҳам босиб чиқарган.

ВЕНГРИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИДА

БУДАПЕШТ, 21 ноябрь. (ТАСС). Венгрия социалистик ишчи партиясининг VIII съезди бугун ўз ишининг иккинчи кунини бошлади. Бугунги мажлис Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. В. Куусинен нутқи билан бошланди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг вакили минбарга чиқиши билан залда узоқ давом этган гулдурос қарсаклар бошланиб кетди.

О. В. Куусинен нутқи бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди. КПСС Марказий Комитетининг Венгрия социалистик ишчи партияси VIII съездига табрикномасини О. В. Куусинен ўқиб берганида съезд делегатлари табрикномани зўр эътибор билан тингладилар. Гулдурос, давомли қарсаклар бошланиб, овоциягa айланиб кетади.

О. В. Куусинен КПСС Марказий Комитетининг табрикномасини ўқиб берганидан кейин бундай деди: бизнинг партиямиз сизларнинг съездингизга хотира учун кичкинагина ҳайкал топширишни истайди. Бу ҳайкал социалистик меҳнатнинг икки асосий тармоғи — саноат меҳнати ва қишлоқ хўжалик меҳнати иттифоқини акс эттиради.

О. В. Куусинен съездга В. И. Мухининнинг машҳур «Ишчи ва колхозчи аёл» скульптурасини топширади.

Фидель Кастро БМТ бош секретари вазифасини ижро этувчига мактуб юборди

ГАВАНА, 20 ноябрь. (ТАСС). Куба бош министри Фидель Кастро Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари вазифасини ижро этувчи У Танга мактуб юборди. У ўз мактубида Куба ҳукумати Кариб денгизи районидаги тангликни тинч йўл билан бартараф қилишга қаратилган музокараларга ҳеч қандай тўсқинлик қилаётгани йўқ, деб таъкидлайди.

Қўшма Штатлар ҳукумати қилаётган дўқларга ва таҳқирлашларга бўлган бизнинг муносабатимиз эса тамомила бошқа масаладир, деб ёзади Кастро. Қўшма Штатлар ҳамма ишни Куба территориясида жойлашган ўртача ҳаракат доирасидаги «ИЛ-28» бомбардимончи самолётлар проблемасидан иборат қилиб қўйди.

Бу самолётлар Совет Иттифоқи ҳукуматига қарашлидир. Улар башарти агрессия юз берган тақдирда бизнинг мамлакатимизни мудофаа қилиш учун Кубага етказиб берилган эди. Уларнинг тезлиги унча катта бўлмаганлиги ва унчалик баланд учмаганлиги муносабати билан ҳамда ҳаво ҳужумига қарши мудофаанинг ҳозирги замон воситаларини ҳисобга олганда бу самолётларни эскириб қолган самолётлар категориясига киритиш зарур.

Тамомила равшанки, бу самолётларнинг олиб чиқиб кетилишини талаб қилаётган Қўшма Штатлар ҳукуматининг позицияси кескинликни сақлаб қолиш, тангликни давом эттириш ва унинг зўравонлик сиёсатини ўтказиш учун баҳона қидириш билангина изоҳланади. Шунга қарамай, агар Совет Иттифоқи ҳукумати музокараларнинг муваффақиятли ўтиши ва ҳозирги тангликнинг бартараф қилиниши учун бу самолётларни олиб чиқиб кетишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган бўлса, Куба революцион ҳукумати бу қарорга тўсқинлик қилмайди.

Айни вақтда, дейилади сўнгра мактубда, Қўшма Штатлар ҳукуматининг юқори мансабдаги шахслари бу мамлакатнинг самолётлари Кубанинг суверенитетини бундан буён ҳам бузаберади ва Кубанинг ҳаво масофаларига бостириб кираберади, деб айтдилар.

Бу агрессив харакатлар халқаро ҳуқуқ нормаларига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига тамомила хилофдир.

Куба ўз территориясини бундай бузишлардан ҳимоя қилиш учун қонуний ва сўзсиз ҳуқуққа эга. Биз яна бир марта огоҳлантирамизки, бизнинг ҳаво масофаларимизга бостириб кирадиган, бизнинг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа воситаларимиз зарба бериши мумкин бўлган жойга учиб келадиган ҳарбий самолёт уриб туширилиш хавфи остида қолади.

Бизнинг мамлакатимизга қарши қаратилган ана шу хил беҳбошлик ҳаракатларидан бири вақтида бирор можаро рўй бериб қоладиган бўлса, бунинг учун бутун жавобгарлик Қўшма Штатлар ҳукумати устига тушади.

Биз, дейди Куба бош министри, мавжуд халқаро кескинликни узил-кесил юмшатишга олиб келадиган батафсил қарорни астойдил муҳокама қилишга тайёрмиз... Куба масаланинг ҳамма учун мақбул бўлган адолатли ва ҳаққоний ҳал этилишига ҳеч қачон халақит бермайди. Куба ўз суверенитетини, ўз халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, ҳам катта, ҳам кичик барча давлатларнинг юридик тенглигини, ҳар бир халқнинг меҳнат қилиш, тараққиёт йўлидан бориш, тинчликда яшаш, бошқа мамлакатларни ҳурмат қилиш ва уларнинг ҳурматига сазовор бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилади, хол